

Аждоғлар мероси — ёшларга ибрат



Жорий йил 1 февраль куні вилоятда ўтказиладиган навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ана шу мавзуга бағишланади.

Инсоният илк мартаба фонилик шаробини то-тиб, умрининг омонатлигини англаб етганига неча минг йиллар бўлди. Бирок бани башар бу теран ва шафқатсиз ҳақиқат олдида эсанкираб қолмади. Фониликнинг зиди ўлароқ боқийлик түшүнчасини қанф этди. Бу боқийлик — маънавий боқийлик, маънавий абадиятга дохиллик эди.

Неча минг йилдирки, ана шу инсонпарвар маслак, мангу тирик гоё — дунёдаги энг буюк ихтиролар, энг теран фикрлар, энг нодир асарларнинг яратилиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Асрлардан-асрларга, насллардан-наслларга ўтиб яшайдиган, ҳатто уларга келажак сабоғини бера оладиган маънавий дурдоналар ва уларнинг яратувчилари номини абадиятга муҳрлаб келмоқда. Ана шундай жўмард фарзандлари, илму тафаккур даргалари бисёрлиги эса халқимизнинг безавол бахти ва энгилмас маънавий қудратидир. Шубҳасиз, бу сирада сўз мулкининг соҳибқирони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳририддин Муҳаммад Бобур номлари, уларнинг бой илмий-ижодий мероси, бетимсол маънавий салоҳияти алоҳида эътибор ва эътирофга эга.


Ҳазрат Алишер Навоий сиймоси биз учун, энг аввало, буюк сўз санъаткори, улкан истеъдод соҳиби, захматкаш олим си-

фатида қадрли. Унинг илк туркий “Хамса”-си, “Ҳазойин ул-маоний” назмий қуллиёти, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ул-тайр”, “Мажолис ул-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Тарихи мулуки Аҷам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Муншаот”, “Арбаъин”, “Назм ул-жавоҳир”, “Сирож ул-муслимин”, “Муножот” каби дурдона асарлари бизни буюк бобокалонимиз пок ахлоқи файзу баракотидан баҳраманд этади. Улуғ алломанинг “Ҳилолият”, “Фусули арбаа”, “Ситтайи зарурия” сингари қасидалари, “Вақфия”, “Рисолаи муаммо”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолайи тир андохтан”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби илмий асарларига ҳам ана шу маънавий маслак ўзига хос фазилат бағишлаган. Шу боис, бугун дунёнинг қай бурчагига борманг, бобокалонимизга юксак эҳтиром кўрсатилаётганлигига, асарлари турли тилларга

таржима қилиниб, тадқиқ этилаётганлигига, улуғ аллома умри асарлари мисолида давом этаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Ҳазрат Навоий фаолияти хусусида сўз кетганда, одатда, унинг ҳукмдор саройига яқин бўлганлиги, Хусайн Бойқарога ўз фикрини ўткази олишдан ташқари, моддий имконияти ҳам анча-мунча кенг бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Бироқ ўша даврда ва ундан кейин ҳам шундай ва бундан-да катта-роқ мавқега эга бўлган ижодкорлар яшашган-ку. Навоий маънавий нуқтаи назардан етган мақом ва маснад нега бошқаларга насиб этмаган?

Гал шундаки, улуғ бобокалонимиз учун мансаб ва мартаба ҳеч қачон маънавиятдан устун бўла олмаган. Манбалар шаҳодатича, ҳазрат Навоий маънавиятни моддийат учун қурбон қиладиган одамларни хуш кўрмаган. Аксинча, молу мулкни маънавий ривожини йўлида сафарбар қиладиган одамларни чинакам дўсти деб билган. Унинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад сингари замондошлари билан биродарлик муносабати ана шу дўстликка асосланган эди. Ўз молу давлатини миллат ва маънавият ривожини йўлида сарф этгани, дўст ва шоғирдлардан ҳеч нарсани аямагани,



КУН ҲИКМАТИ:

Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган давват уларнинг қалбига доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

халқни рози қилиш, унинг қорига ярашни кундалик фаолият тарзига айлантиргани, жумла-за олишдан ташқари, моддий имконияти ҳам анча-мунча кенг бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Бироқ ўша даврда ва ундан кейин ҳам шундай ва бундан-да катта-роқ мавқега эга бўлган ижодкорлар яшашган-ку. Навоий маънавий нуқтаи назардан етган мақом ва маснад нега бошқаларга насиб этмаган?

Ҳазрат Навоийнинг даҳо замондоши, устоз маънавий маслагини муносиб давом эттирган шоҳ, саркарда ва шоир Заҳририддин Муҳаммад Бобур ихтиёр этган йўл ҳам жавонмардлик ва “Дил ба ёру, даст ба қор”ликка асосланган эди. Шоҳ ва шоир жаҳондорлик ва салтанатпешалик таъвишларидан беэди дегунча, қўлига қалам олди. Тавба-тазарру, ўз иши ва қисматидан ўқиниш, тахт ва мол-мулк талашувларидан оғриниш — унинг доимий дарди, фиғонига айланди. Ана шу дард унга тўрғи йўлни кўрсатди: у бутун умр гарчи ўзи шоҳ бўлса-да, маънавият ҳақида мушоҳада юритишга азму қарор қилди. Бирбиридан дилбар рубоий ва ғазаллар, “Бобурнома” янглиг нодир мемуар, “Волидия” ва “Мубаййин” сингари ахло-

қий-маърифий дурдоналар ана шу огоҳлик меваларидир. Буларнинг ҳар бири бағрида Бобур Мирзони бир умр таъкиб этган ватангадолик дарди, юрт соғинчи, яқинлар меҳридан мосуволик андуҳи, қолаверса, ўзи тугилиб-ўсган тупроқ ифорида бебаҳралик қайғуси мужассам. Энг муҳими, худди ҳазрат Навоий қисмати мисолида тасдиғини топганидек, Бобур Мирзо ҳаёти ва сиймосига ҳам унинг маънавий салоҳияти ўзига хос қудрат ва абадият бахш этди. Шоҳ сифатида қадами теккан жойларда айна шу неъмат туфайли эътибор қозонди, асарлари кириб борган манзил-мақомларда айна шу қадрият туфайли эҳтиромга эришди.

Миллат фаҳрига айланган икки буюк бобокалонимиз бир умр ҳамроҳ билган, уларни улуғликка етаклаган ва халқ меҳрига сазовор этган қадриятлар бугун барҳаёт. Уларга ўзини дахлдор билган ва ўз камолоти йўлида саъй этган кишига ҳам бу неъматлар ва улуғлик насиб этиши айна ҳақиқат.

Шодмон СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
вилоят бўлими раҳбари

Мустақиллик — халқи, она Ватани эрки йўлида курашиб, жонини фидо қилган инсонлар номини тиклаш ва ёъозлаш учун катта имкониятлар яратиб берди. Истиқлол туфайли тарихнинг кўпгина ўқилмаган саҳифалари қайта кашф этилмоқда. Фидойи инсонлар номи ва шони тикланмоқда.

Тарихимизнинг ана шундай зиддиятли, оғир, мураккаб, синовли йилларида, Ватан мустақиллиги учун сиёсий кураш кескинлашган даврда яшаб, халқ овозлиги ва эркинлиги учун умрини бахшида этган фидойилардан бири — йирик давлат арбоби, миллат фидойиси, юртпарвар инсон, доно сиёсатчи Файзулла Ҳўжаев эди.

У қисқа (1896–1938), лекин гоят мазмуни ва самарали умр кўрди.

аҳолидан икки йил солиқ олмаслик, ёшларни хорижда ўқитиш, замонавий саноат ва ўқув муассасаларини очиш учун сарфлашни устидан назоратни шахсан ўз зиммасига олди.

У ёшларга замонавий билимларни ўқитмай муваффақиятларга эришиш мумкин эмаслигини англаб, бухоролик ёшларни Германия, Туркия ва Россияга ўқишга юборишда ташаббускор бўлди. Унинг бебосита раҳбарлигида Россияга юборилган болалар учун Москва марказида фабрикант Савва Морозовдан қолган уй сотиб олинди, “Бухоро маориф уйи” ташкил этилди. Германияга юборилган талабалар учун Берлин банкига ҳар бир талаба ҳисобига катта миқдорда, яъни 125 минг доллар маблағ

* Хотира — муқаддас *

лар қайтарилмаслиги учун курашмоғимиз ва уларнинг хотираларини тиклаб, хурматини жойига қўйишимиз керак”, дея таъкидлаган.


1937 йил 2 сентябрдан 1941 йилнинг 24 ноябригача Москванинг Новомосковская маъмурий округига қарашли Сосенское шаҳарчасида жойлашган “Коммунарка” қабристонига 6600 киши отилган. Булар орасида Литва, Латвия, Эстония, Германия, Руминия, Франция, Туркия, Болгария, Финляндия, Польша, Буюк Британия фуқаролари билан бир қаторда, собиқ иттифоқ барча республикаларининг қатор давлат ва сиёсат арбобла-

Маънавий Ҳасорат соҳибби

Яратган инсониятга тортиқ қилган неъматлар ичиде энг улуғ ва энг буюги нима? Ҳаёт, умр, соғлиқ, ота-она, фарзанд, эрк ва озодлик... Мустақиллик! Бу калом дунёдаги жамики халқлар тилида турлича жананг сочади, ҳар бир мамлакатнинг шонли тарихи ва миллат қаҳрамонларига қиёсан талқин эти-

ри улуғвор гоғлари эл-юртимизни бир тану бир жон бўлиб, мустақиллик сари олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ҳамжиҳатликда амалга оширишда қанот бўлди.

Истиқлолимиз асосчиси чорак асрлик фао-





Синовларга тўлиб-тошган бир даврда ҳаёт кечирди, халқи ва юртининг порлоқ келажагини ўйлаб, индустриалашган мамлакат қуриш ва миллатини дунёга танитиш йўлида курашди, бу йўлда ёш умрини ҳазон этди.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев 2016 йил 4 ноябрь куни Бухоро вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда шу заминда тугилиб воғга етган миллат фидойиси Файзулла Хўжаевнинг табаррук номини эҳтиром билан тилга олиб, бу инсонга муносиб бўлиб, унинг ҳурматини жойига қўйиш ва хотирасини эъзозлашга барчани даъват этган эди.

Президентимизнинг даъватларига жавобан бухоролик олимлар оммавий ахборот воситаларида Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига доир қатор чиқишлар уюштириб, Бухоро давлат университетидида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказдилар. Бугун ҳам вилоятда бу инсоннинг номини шарафлаш учун қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Файзулла Хўжаев Бухорода жаҳонга машҳур қорақўлчи савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжаев оиласида таваллуд топди. Дастлаб эски мактабда, сўнг 1907–1912 йилларда Москвада отаси ёллаган ўқитувчилардан яқка тартибда таълим олди. 17 ёшидан ҳақидлар, 20 ёшидан бошлаб Ёш бухороликлар ҳаракатида иштирок этди ва уларга раҳбарлик қилди. Бухоронинг сўнгги амира Сайид Олимхон унга икки марта сиртдан ўлим жасосини тайинлади. 1918 йили Оренбургдаги оқ гвардиячилар ҳарбий суди уни отувга ҳукм этди.

Файзулла Хўжаев 1920–1924 йилларда БХР Нозирлар Кенгагининг раиси (шунингдек, ҳарбий ишлар, ташқи ишлар, ички ишлар нозир) вазифаларида ишлади. У отасидан мерос қолган бойликларни ва амир хазинасини давлатга топширди. Бу маблағ бир қисмининг ёш республика иқтисодийини йўлга қўйиш,

жойлаштирилганлиги тарихий манбаларда келтирилган.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари

Эл ботириқини униймайди!

Совети Раиси (1925–1937) сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди. Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасида 400 дан ортқк санаот объеклари қад ростлади, мамлакат иқтисодий ва маданий рағнақи учун қатор тадбирлар амалга оширилди.

Кўп қиррали фаолият соҳиб бўлган Файзулла Хўжаев давлат арбоби, тарихчи, иқтисодчи олим, моҳир публицист сифатида ҳам танилган эди. Унинг 30 дан зиёд китоб ва рисоалари, 500 дан ортқк мақолалари чоп этилган. Файзулла Хўжаевнинг китоб ва мақолаларида Ўзбекистон тарихининг XX аср биринчи чорағидидаги муҳим ва ўта жиридди воқеа ҳамда муаммолари ёритилган.

24 ёшида Бухоро Халқ Республикаси Нозирлар Кенгагининг Раиси, 29 ёшида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раиси ва СССР МИК раисларидан бири бўлган фидойи инсон ўзи хизмат қилган, бойликларини ихтиёрий равишда топширган коммунистик тузум номидан ўлимга ҳукм қилинди. Бу ҳукм Файзулла Хўжаев эътиқод қилган жаллодлар томонидан 1938 йил 15 мартда Москва атроғидаги “Коммунарка” қатлгоҳида ижро этилди.

Файзулла Хўжаевнинг авлодлари унинг қаерда отилиб, қайси жойда дафн этилганлигини аниқлаш мақсадида турли ташкилотларга мурожаат қилиб, жавоб ололмади юрган эдилар. Унинг қатл этилган жойи Бутово, Лефортово ҳибсхоналари деган маълумотлар тарқалган эди. Ва ниҳоят, 2018 йилнинг ноябрь ойида ижтимоий тармоқдаги Rodgobno.uz сайти тарқатган маълумот барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Унда кўрсатилишича, Россия Президентини Владимир Путин ўз чиқишларидан бирида 1937–1941 йиллардаги “қатта террор” даврида қатогон қилинганларнинг номини тиклаш тўғрисида гапириб, “Ўтмишнинг бу даҳшатли воқеаларини халқ хотирасидан ўчириш мумкин эмас. Мудҳиш давринг фожиялари такрорланмаслиғи учун унга тўғри, адолатли баҳо бериши мумкин зарур. Биз ва келажақ авлод бу фожиа келиб чиқарган сабабларни аниқлаб, ҳеч қачон бундай ҳодиса-

ри бўлган. Москвада жойлашган Федерал хавфсизлик хизмати архивиди сақланаётган ҳужжатлар асосида бу курбонларнинг исм-шарифлари ва отилган саналари аниқланди.

В.Путиннинг топшириғи билан 2018 йил бошида “Коммунарка” маҳсус объекти ёд-

горлиғи ташкил этилди ҳамда унда қатл қилинган қатогон курбонларининг номларини муҳрлашга қиришилди.

Биз, Бухоро давлат университетининг бир гуруҳ олимлари 2018 йил декабрь ойида Москва шаҳридан 50 километр узоклиқда жойлашган мазкур қабристонга бориб, хотира ёдгорлигини зиёрат қилдик.

Дарвоза ичкарасида қора мраммардан тикланган стеллада “Памятник жертвам репрессии 1937–1941 г.г.” деган ёзув ўйма харфларда дарж этилган. Унинг орқасида эса 64 дон металдан ишланган лавҳалар ўрнатилган. Ҳар бир лавҳада 80–100 кишининг номи ва отилган санаси кирилл алифбосида битилган. Шулар орасида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқа юзлаб таниш исм-шарифлар бор.

Биз Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев номлари битилган ёдгорлик пойғида гулчамбарлар қўйиб, Курьон тиловат қилдик. Қабристондан — Файзулла Хўжаев қатл этилган жойдан бир қафт тупроқ олиб қайтдик. Фикримизча, Файзулла Хўжаев тугилган заминда бу улуг инсонга рамзий қабр ўрнатилиб, шу тупроқ қўйилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

2021 йилда Файзулла Хўжаев таваллудига 125 йил тўлади. Шу муносабат билан Бухоро давлат университетига унинг асосчиси бўлган Файзулла Хўжаев номини қайтариш, миллат фидойисининг уй-музейини янгидан ташкил этиш, асарларининг янги нашрларини чоп этиштириш, қатор сафдошлари номини тиклаш ва абадийлаштириш, унинг тақлифи билан қурилган, Бухорода “Халқ уйи” (“Нардом”) номи билан машҳур бўлган вилоят мусикали драма театри биносини таъмирлаб, ундан фойдаланишни йўлга қўйиш, театр олдидидаги хиёбонда Файзулла Хўжаев бюстини ўрнатиш фидойи юртдошимиз шаъни ва номини тиклаш йўлидаги хайрли ташаббус бўлар эди.

Сулаймон ИНОЯТОВ,
Бухоро давлат университети
профессори, тарих фанлари
доктори

лади. Ўзбекистон атамлиш хурдиёрда Мустақиллик сўзи Исломо Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ.

Бу юк соҳибқирон Амир Темур қайсар бир қабилани ўзига буйсундираётган пайтда бу уруғнинг эркесевар раҳнамоси ўз қуролини жаҳонгирга топшира туриб, шундай дейди: “Эй Темур! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато э”.

Биринчи Президентимиз ҳаёти давомида ана шу ҳикоят моҳиятини ўзи учун дастуриламалга айлантирди ва умрининг сўнгига қадр элимиз тинчлиғи, юртимиз ободлиғи, халқимиз фаровонлиғи йўлида меҳнат қилиб, ватандошларимизнинг энг эзгу мақсадларини рўёбга чиқарди.

Исломо Каримов ўта оғир иқтисодий инқироз даврида мамлакат тепасига келиб, халқни мустақил тараққиёт йўлига дадил олиб чиқди. Собиқ иттифоқ давридан мерос қолган коммунистик мафкура, тазийқ ва таъқибдан тушқунликка тушиб қолган халқни қўтқариш, одамларни ягона мақсад сари йирлаштириш масъулиятини ўз зиммасига олди. Фақатгина хомашё етказиб берадиган, қолақ ва мўрт иқтисодийта эга давлатни муқаррар инқироздан қутқарди. Ўз бойлигимизга ўзимиз эғалик қилиш ва ўзимиз тасарруф этишимиз учун имкон яратди. Мамлакатда энди фақат марказ манфаатлари эмас, халқимиз ва юртимиз манфаатлари олий ўринга олиб чиқилди. Юрт ўғлонлари куч ва имкониятини Ватан сарҳадлари, тинчлик-о-со йиш талағини химоя қилишга сафарбар этишини таъминлаш мақсадида харбий хизматни миллий армия сафларида ўташи қафолатлаб қўйилди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Қадимий қадриятлар, миллий мерос қайта тикланди, миллатларро то-тувлик ва ҳамжиҳатлик таъминланди. “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди”, “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун”, “Биздан озода ва обод Ватан қолсин!” синга-

ляти давомида Бухоро зами-нида ҳам улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда бош-қош бўлди. Унинг ташаббуси билан 1997 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, 2002 йилда 20000 томошабинга мўлжалланган Бухоро спорт мажмуаси, 2010 йилда 700 ўринли муҳташам театр биноси ҳамда 2000 ўринли амфитеатр-дан иборат 107 гектарли майдонни эғаллаган “Кўҳна ва боқий Бухоро” маданий маркази, 2014 йилда 7 гектарли Абу Али ибн Сино номидаги мусикали фавворалар хиёбони, 2016 йилда темир йўл вокзалининг янги биноси барпо этилди. Мактаблар, боғчалар, замонавий турар-жойлар, йирик иншоотлар қад ростлади. Қадимий обидалар, муқаддас қадамжолар қайта тикланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиғи, дунёдаги ўндан ортқк мамлакатлар академияларининг фахрий фан доктори, академиғи ва профессор деа эътироф этилган И.Каримов ҳаёти давомида иқтисод, ижтимоий-сиёсий тараққиёт, маънавият ва маданият масалаларининг атроғлича таҳлилига бағишланган қатор илмий асарлар яратди. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Биздан озода ва обод Ватан қолсин”, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари”, “Баркамол авлод орзуси”, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари”, “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз” сингари кўплаб асарлари инглиз, рус, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб, корейс, турк ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинди.

Биринчи Президентимизнинг оқил ва одил сиёсати бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан изчил давом эттирилиб, мамлакатимиз тараққиёти бутунлай янги босқичга олиб чиқилмоқда. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан Мустақиллигимиз асосчиси номини абадийлаштириш ва улуглаш мақсадида юксак саъй-ҳаракат-

лар ҳам амалга оширилди. “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исломо Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”, “Бу юк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исломо Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди. Эзгу ташаббусларнинг манткий давоми сифатида 2017 йилнинг 27 ноябрь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, бу юк давлат ва сиёсат арбоби Исломо Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кенг жамоатчилик томонидан қувонч билан қарши олинди, бу юк йўлбошимиз хотирасига бўлган чексиз ҳурмат ифодаси сифатида эътироф этилди. 2018 йилнинг январь ойида Самарқанд шаҳрида Исломо Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуаси очилди. Қарши шаҳрида Исломо Каримов хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатилиб, тантанали очилиш маросими ўтказилди. “Исломо Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабо мақола” танлови ташкил этилган, Исломо Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан “Исломо Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси” номли китоб-альбом нашрга тайёрлангани ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Одилона сиёсати, бу юк гоғлар ва танлаган тараққиёт йўли орқали ўз халқини эрғаштира олган, улкан бунёдкорликларни амалга оширишга қодир миллатга айлангангн истиқлолимиз асосчиси қатъий ирода, кучли матонат, юксак эътиқод соҳиб, халқпарвар, эрқпарвар раҳнамо сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эғаллади. У қолдирган бой маънавий мерос, тинчлик ва осийшталик, жасорат ва матонат ҳар бир ёш учун ибрат намунаси сифатида хизмат қилмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
“Бухоронома” муҳбири



МАЪРИФАТЛИ СУЛОЛАЛАР ИБРАТИ

Халқимиз касбига содик, демакки, Ватанига садоқат билан хизмат қилган инсонларга айрича эҳтиром кўрсатади. Буни яхши англаган оила сардорлари фарзандларининг ўзларига издош бўлиб, касбларини муносиб давом эттиришини, эл-юрт хурматига сазовор бўлишини астойдил истайдилар. Шунданми, бугун юртимизда шифокорлар, ички ишлар ходимлари, харбийлар, ўқитувчилар, сиёсатшўнослар, иктисодчилар сулоалари юзага келган. Касбига садоқати ва матонати тўғрисида эҳтиром қозонган подполковник Рустам Носиров ва Эгамберди Худойбердиевлар фаолияти аини шу жиҳатлари билан ибратли.

Фаолиятини 1978 йилда Шофиркон тумани ички ишлар бўлимида ҳайдовчиликдан бошлаган Рустам Носиров тиришқоқлиги ва касбига садоқати тўғрисида 1979 йилда вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспекторлигига ўтказилди. Қатор йиллар давомида ИИБ участка ноири, Шофиркон тумани ИИБ ЙХХБ бошлиғи, вилоят ИИБ кўриқлаш хизмати бошлиқ ўринбосари, вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи, вилоят ИИБ кўриқлаш хизмати батальони командир ўринбосари, Қоракўл тумани ИИБ бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди.

Хаётини юрт қорига яраш, бошқаларнинг таъбири ва муаммосини ўзиники каби билиб, улғара ёрдам беришни касб қилган инсон ўзини бу амаллардан йироқда тасаввур қилолмайди. Рустам ака ҳам 29 йил давомида ички ишлар тизимида ишлагани сабабми, ўзини жамиятдан айро тасаввур қилолмайди. Нафақага чиққан, суғурта компаниясида раҳбар ўринбосари лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 2013 йилдан буён эса Шофиркон туманидаги “Носирова Иззатой” фермер хўжалиги раиси сифатида эл-юрт қорига яраб келмоқда. Умрини юрт осойишталиги ва тинчлигини таъминлашга бағиш-

лаган Рустам ака бугун тумандаги илғор фермерлардан бири. У раҳбарлик қилаётган кўп тармоқли фермер хўжалигида етиштирилаётган пахта, галла ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари вилоятимизнинг маъмур соҳадаги ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилаётир.

— Ички ишлар ходими либосини кийиш биз учун шараф ва масъулият, — дейди Рустам аканинг фарзанди, вилоят ИИБ кўриқлаш хизмати ходими Мухаммад Носиров. — Бу соҳанинг машаққати ва залворини отам қиёфасида кашф этганмиз. У кишига ҳавас қилиб, шу соҳани танлаган бўлсакда, подполковник Рустам Носировга муносиб бўлиш бизга улкан масъулият юклайди. Ойлада 5 фарзандимиз. Акам полковник Абдунаби Носиров — Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ бошлиғи, укам майор Абдухалил Носиров — Ғиждувон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, кичик укам Абдухалил Носиров — вилоят прокуратураси ходими. Синглим Ҳилола эса ҳамшира. Унга ҳам ички ишлар ходими бўлишга рухсат беришганида эди, албатта, ота касбини танларди.

Яна бир қаҳрамонимиз — узоқ йиллар Куролли Кучлар сафида хизмат қилган подполковник Эгамберди Худойбердиев ҳам ана шундай фидоийлардан бири.

— Ерга ниҳол қадаган боргон кўчати гуллаб, ҳосилга кирганда, йиллар давомида уни парвариш-лаб чеккан машаққатини унутаркан. Ватан учун хизмат қилишга бел боғлаган фарзандларимга ҳамиша тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ўз бурчингизни сидқидилдан, илҳос ва эътиқод билан бажаринг, эгнингиздаги хизмат формаси — халқнинг сизга ишончи. Билдирилган ишончга муносиб бўлинг, дейман. Бугун фахр билан харбий сулола асосчисиман, дея оламан. Чунки ўғилларим ва келиним мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида хизмат қилишмоқда. Ўғлим Исмоил — катта сержант, Исмат, Эркин, Илҳом Худойбердиевлар — подполковник, келиним Холбибиш Худойбердиева эса катта сержант. Фарзандларим ҳали узоқ йиллар Ватанимиз, халқимиз учун садоқат билан хизмат қилишга, юртимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини асрашга камарбаста бўлишига ишонаман. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик ҳўкм сурган юрт фуқаролари тўкин-сочинликда, фаровон ҳаёт кечирадилар. Чинакам бахт — Ватанимизда, оиланг бағридаги беҳавотир отган тонгларингдир, — дейди Эгамберди ота.

**Наргиза ҚУВОНЧЕВА,
“Бухоронота” муҳбири**

Брайл ёзуви ҳақида эшитганми-сиз?...

1809 йилнинг 4 январь куни Париждан 45 чақирим масофадаги Кувр деган шаҳарчада яшовчи Брайллар оиласида ўғил фарзанд туғилди. Унга Людовик деб исм қўйишди.

Луи қизиқувчан бола бўлиб ўсди. Унинг отаси сарроҳ — эгар-жабдуқ устаси эди. Бир куни уч яшар Людовик отаси йўқлигидан фойдаланиб, устахонага киради. Ўткир угли бизини олиб, тери қийқимларини тешишга киришади. Тери

ни ҳам тузарди. Унинг қувваи хофизаси — хотираси жуда кучли эди, опалари ўқиб берган эртакларни жуда тез ёдлаб олар ва тенгдошларига айтиб берарди.

Луи маҳаллий мактабга қатнай бошлади. У ердаги муаллим шу пайтгача кўзи оғир болаларни ўқитмаган, шу сабабли бу боланинг ўқишини эплаб кетишига унча ишонмасди. Узоқ кетилишдан сўнг у Луининг дарсга келишига рухсат берди.

Янги ўқувчи фавқуллода хотирага эга эди. У ўқитувчисининг

китоб ўқиб ўтирган ҳолда кўриш мумкин эди. 1821 йили истеъфодаги артиллерия капитани Шапрл Мари Барбе ўқувчиларни ўзининг “товушли” алифбоси билан таништирди. Бу имло аскарлар тунда бир-бирларига махфий ахборотларни етказиши учун қўлланиларди. У овоз ёзуви усулидаги алифбо бўлиб, икки устунда олтидан жойлаштирилган қаварик нуқталар турли товушларни ифодаларди.

Бу пайтда ўн икки ёшда бўлган Луи Брайлни “товушли” алифбо усули қониқтирмади, нуқталар жуда кўп, имло қоидаларига эътибор берилмайди, математик ишоралар ва нота белгилари эса умуман йўқ. Аммо қаварик ҳарфлардан фойдаланиш гоёси унга маъқул келди. У кўзи оғирлар учун қулайроқ алифбо яратиш ҳаракатига тушди, ўқишда ҳам, уйига — Куврга борган пайтларида ҳам шу нарса фикру хаёлини банд этди.

1824 йилнинг сўнгида, ўн олти ёшга тўлганида хаёлига ажойиб бир ғоя келиб қолди — икки устунга учтадан жойлаштирилаётган олти буртма нуқтали алифбодан фойдаланиш керак! Нуқталарнинг ораси 2-2,5 миллиметр бўлади ва “ки-тобхон” сатрлар устида бармоқ учларини юргизиш мутлола қилиши мумкин.


1829 йили Луи Брайл ўз имло тизимини тиниш белгилари, рақамлар ва нота аломатлари билан тўлдирди, у ҳақида кичик илмий ишини эълон қилди. Бўртма-нуқтали алифбонинг охириги намунаси 1837 йили дунё юзини кўрди. Шу усулда берилган илк китоб — “Франция тарихи” худди шу йили нашр қилинди.

Брайлнинг ихтиросини Қироллик институтидаги ҳамкасблари ва ўқувчилар қизгин қутиб олди. У қўлланилаётган алифболарга нисбатан жуда қулай бўлгани учун зудлик билан амалиётга киритилди. Кейинчалик у ажойиб мусикачи бўлганидан ўз алифбо тизими асосида нота ёзишни ҳам ихтиро қилди.

Аста-секин Луи Брайл шрифти кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Кўп ўтмай бутун дунё бўйлаб қабул қилинди.

Кўзининг ўта хираллиги ва иш юкининг катталигига қарамай, Луи Брайл бутун умр меҳнат қилди. из-

Дилларни ёритган зўи



силлик бўлгани сабабли биз сирғалиб кетаверади. Ана шундай ҳолатларнинг бирида бизг қўлдан чиқиб кетиб, Луининг кўзига тегади. Дод-войни эшитиб, бутун оила бирпасда етиб келади. Бироқ унга ёрдам бера олишмайди. Бироз ўтиб яллиғланиш иккинчи кўзга ҳам ўтади ва Луининг кўзлари деярлик кўрмайдиган бўлиб қолади.

Бу бахтсизлик Брайллар оиласини ларзага келтирди. Энди ҳамма Луининг кўнглини олишга интилар, лекин ортиқча эрқалатиб юбормасликни ҳам эсдан чиқармасди. Отаси уни меҳнатга ўргатди. Луи мум ва юмшоқ мато билан терини силлиқлаш, от абзали учун попуқ тўқиш ва уй оёқ кийимларни тикиш билан шуғуллана бошлади.

Луи уй ишларига ҳам ёрдамлашарди, дастурхон тузай оларди. Эрталаблари сув ташиб келтирарди. Йўл тошлоқ бўлгани сабабли қоқилиб, оғир челақлар билан йиқилиб тушар, сув тўқилиб, яна қудуққа бориб келишга мажбур бўларди.

У жуда иқтидорли эди. Тез орада ҳид ва товушлар ёрдамида мўлжални аниқ оладиган бўлди. Бир куни отаси унга ҳасса ясаб берди ва у ҳасса билан йўл топишни ўрганди.

Луининг юрагида мусикага муҳаббат жуда эрта уйғонди. Отаси унга қишлоқ устасидан скрипка олиб берди. Маҳаллий мусикачилар бир неча содда қуйларни чалишни ўргатди.

Луи олти ёшга тўлгач, отаси унга хат-савод ўргата бошлади.

сўзларини диққат билан эшитар ва ёдлаб оларди. Бошқа болалар дафтарларда ечишга қийналаётган масалаларни ҳаёлида осонгина ечиб қўя қоларди.

Луи ўн ёшга тўлди. Унинг келажигига қаттиқ қайғурадиган меҳрибон бир инсон жаноб Кюрэ Парижда кўзи оғир болалар учун Қироллик институти борлигидан хабар топиб, илм даргоҳига хат ёзди ва бир неча кундан сўнг Луи ўқишга қабул қилингани ҳақида мактуб келди.

Бу хабардан Луининг боши кўкка етди, бироқ ота-онаси хавотирга тушди. Ахир Париж Куврдан бир неча ўн чақирим нарида бўлса, Луи у ерда ўзи қандай ёлғиз яшайди. У катта шаҳарда оиланинг қўмагисиз тура оларимикан?

Лекин Луи қийинчиликлардан умуман қўчимайди, ота-онасига ёлвориб, розилик олди, 1819 йилнинг февралда отаси уни Кўзи оғир болалар институтига олиб келди. Тоза хаволи шаҳарчада, яхши шароит ва қаровда яшаган Луи учун бу ердаги шароитлар умуман қониқарсиз эди. Лекин аста-секин у ша-

* Сиз соғинган сатрлар

Бахт сўзи



Бахтиёрман деган биргина сўзни айтиш учун керак қанча куч-чидам, гарчи бахт сўзларининг энг ёқимлиги, гарчи турса ҳамки тилнинг учиди.

элниг бахти учун умрини тиккан шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.

Оғир ботмасмикин
бу сўз қимгадир.

Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
ҳар шодлик келганда
юрдим секинроқ.

тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.

Авалло, бу сўзни узгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари севинча тулиб,

Гам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман
эрдан кейинроқ.

Шавкат РАҲМОН

Жаноб Брайл текис тахтага миҳчаларни ҳарфлар шаклида қоқиб чиқди. Натижада бўртма алифбо пайдо бўлди. Луи миҳчаларнинг юмалоқ қалпоқчаларини бармоқлари билан жуда яхши ҳис қилар эди. Кўп ўтмай у харф таний оладиган даражага етди. Албатта, бундай имло усулида ёзишнинг имкони йўқ эди. Лекин у хаёлида харфлардан алоҳида сўзларни ва ҳатто гаплар-

ҳар ҳаётига ва умумий тартиб-қоидаларга кўникиди.

Институтда француз грамматикаси ва бошқа фанларни Гаюм бўртма-чизиқли тизими ёрдамида эгаллади. Гаюм бу ёзув турини XVIII аср сўнггида француз алифбоси асосида ишлаб чиққан эди.

Луи ўқишни жон-дилидан яхши кўрарди, уни дарсхона, кутубхона ва ҳатто олиш пайтлари богда

ланди. 1828 йилдан бошлаб география, алгебра фани ўқитувчиси, кейинроқ эса муסיқа муаллими бўлиб ишлади. Оркестрда орган чалди.

Луи Брайл қирқ уч ёшида 1852 йил 6 январда вафот этди ва она шаҳри Куврда дафн этилди.

Зулхумор ЭЛОВА
тайёрлади

У

тган йили каттакўргонлик Диана исмли ёшгина муаллиманинг аянчли ўлими тафсилотлари ҳамда сабаблари қатор ижтимоий тармоқларда, сайтларда ёритилиб, турлича талқин ва таҳлил қилинганидан кўпчилиكنинг хабари бор. Аммо интернет манбаларининг аксариятида бу фожиа умумий тарзда мажбурий меҳнатнинг, зўравонлиكنинг оқибати сифатида баҳоланди. Шундан сўнг ҳукуматимиз бошчилигида бутун мамлакат бўйлаб мазкур ижтимоий иллатнинг турли кўринишларига қарши кураш кампанияси бошланди ва бу борада анча-мунча ютуқларга эришилди. Ҳа, айнан юртимиздаги электрон ахборот воситаларининг фаоллиги шундай ҳаракатнинг кенг қулоч ёзишида туртки вазифасини ўтади. Бу янглик ҳолат, яъни ОАВнинг давлат сиёсатига беvosита таъсиридек демократик жараён, фикримизча, диёримиз тарихида илк бор кузатилди.

Биз юқоридаги мисол билан .uz доменидаги сайтларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти тобора ошиб бораётганини таъкидламоқчимиз. Улар ёрдамида хилма-хил соҳаларга оид маълумотлардан, янгиликлардан хабардор бўляпмиз (Аслида юртимизда ва хорижда юз бераётган ҳар қандай воқеани билишга — у хушхабарми ё шумхабарми, қатъи назар, баалоғатга етган, ўз хатти-ҳаракати-га жавоб бера оладиган ҳар бир киши ҳақли ҳамда бурчлидир). Чунончи, kun.uz, dayu.uz, qalampir.uz, fikr.uz, xabar.uz, ut.uz, old.mediabay.uz, mover.uz, mytube.uz, ziyonet.uz, ziyouz.com, oix.uz, kitob.uz, referat.arxiv.uz эва каби сайтлар бирваракайига радио, телевидение, концерт, газета, журнал, кутубхона, кинотеатр, телевизор, кўргазма, дўкон, меҳнат ярмаркаси, маълумот бюроси, дарслигу қўлланма вазифаларини бажараётгани ҳам айна ҳақиқат. Тезкорлик, топиш маҳол бўлган нарсаларга эришиш, вақт, куч ва сарф-ҳаражатнинг анча-мунча тежалиши, ортқча оврагарчиликларнинг йўқлиги, нусха кўпайтириш имконияти ва ҳоказолар бундай манбаларнинг асосий фазилатларидир.

Дейлик, сизда 1941 йилда босилган “Ўзбекча-русча луғат”ни ёки “Фан ва турмуш” журналининг 1986 йилги сонларини ўқиш, “Қизча ва кўёнлар” мультфильмининг она тилимизга дубляж қилинган вариантини кўриш, кондитер цехида ишлаш, муайян худуддан ижарага ў олиш, зудлик билан Нью-Йоркка учиб учун авиачипта бюртириш эҳтиёжлари туғилди. Ҳўш, бундай ноидр, камёб манбаларни, вақт ва ҳаракат талаб этувчи маълумотларни қайси китоб дўконию кутубхонадан, қайси телеканалу қайси диск дўкониюдан, қайси идорадан қачон топиб улгурасиз?! Шуларга ўхшаш минглаб, миллионлаб вазиятларда сизу бизга айнан .uz лар беқиёс кўмак беради, мушкуллимизни осон қилади.

Бироқ “Қавказ асираси” фильми ҳақрамони ўртоқ Саахов айтганидек, “...орқа томони ҳам бор медалнинг”. Сайтларимизнинг фойдали жиҳатлари билан бир қаторда, кўнглини хира қиладиган томонларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу масала, аввало, информация воситаларда кўп ҳолларда нохуш, юракни эзувчи хабарлар, видеороликлар тарқатилиши билан бог-

лик. Дахшатли қотилликлар, зўравонликлар, турли-туман жиноятлар, мудҳиш авариялар, газдан захарланишу ёнгинлар, шовқин-сурону қаҳр-ғазаб...

Этни титратадиган шундай ахборотлар оқими ҳар ёқдан куюндай бетартиб ва бетизгин равишда ёғилаверса, виртуал оламга берилган одамнинг онгу шуу-

Болангизнинг

* Бугуннинг гапи

.uz лардан асранг!

рини охир-оқибат чилпарчин қилади, уни реал борлиққа скафандр ичида тургандек қарашга ўргатиб қўяди. Бу ҳол, айниқса, вояга етмаганлар, физиологик ўсиш ҳолатида бўлган, ҳар нарсага таъсирчан болалар учун гоят хавфли. Эртақлардагидек поклик, бегуборлик оламида яшаш, чексиз осмонларда парвоз этиш, дунёни тонги шафак ранглариде кўриш ўрнига кўз очибок ҳаётнинг бутун мураккаблиги, фожеий воқелиги виртуал кўринишда чирмаб олса, ожиз вужуд, навқирон руҳият бунга қандай дош беради?! Ҳали ерга чуқур илдиэ ёймаган ниҳолни бўронлар кўпориб ташлайди-ку! Нафас бўғилиб, руҳ абгор ҳолга келади-ку! Ўт ичида қолган автобусни ёки бир тўда махлуқлар аямай дўппослаётган аёлни кўрган боланинг бололик дунёси остин-устун бўлиб, унинг зулмат чулганган кўзлари эса аянчли манзараларга кўникади-ю, қалбидеги меҳр-шафқат тўғусини ўлдиради. Ҳа, митти вужуднинг кўзини қонга тўлдираётган, вужудини роботга айлантараётган, дийдасини хотираётган балолар фақатгина жангари, кўрқинчли фильмлар, “қотиллик”ка асосланган турли видеоўйинлар эмас.

Асримиз кишиси сон-саноқсиз информациялар юкини кўтармоққа маҳкум. Бу ҳолнинг бутун залвори ҳаммадан ҳам болаларимиз вужудини эзиб-янчаётганини йиртқичлардек ёнаётган кўзларида, ўз ўқитувчисини ўртага олиб калтаклаган ёввойиларнинг қилмишларида, кўл телефонида гўдақларнинг мурдасини ҳеч бир чўчимайи ва ҳатто завқ билан томоша қилаётган ўқувчиларнинг ҳиссиз юз-киёфасида кўриб турибмиз. Негатив мазмундаги ортқча ахборотлардан мажруҳ бўлган навқирон юракларда эндиликда самимиятта, болаларча содаллақча, некбин ҳисларга жой топиламанли. Уларнинг ўрнини маккорлик, гафайрлик, бераҳамлик, ҳайвоний ғазаб эгалламоқда...

Йўқ, биз буларга турли-туман хунук хабарларни

сайтларида эълон қилганлар сабабчи, демоқчимасмиз. Шунчаки болалар реал ҳаётни бутун жиҳатлари,



ми ё йўқми — ҳамма гап ана шунда.

Бироқ кўзланган мақсадимизга эришиш бениҳоя қийин. Бу йўлда кўллаб омилларга тўқнашамиз. Библи-билмай, болага акс таъсир қилишимиз ҳам мумкин. Эҳтимол, таълим муассасаларида, уйда катталар иштирокида ўғил-қизларнинг интернетдан фойдаланишини тизимли йўлга қўйиш зарурдир?! Бунда болаларнинг ўқитувчи ёки ота-она кузатуви остида кўннинг муайян вақтида ижтимоий руҳдаги информация сайтларга эмас, илмий-маърифий йўналишдаги порталларга киришларини назарда тутяпмиз.

Бу албатта, бизнинг шахсий фикримиз, тақлимимиз. Халқ таълими вазирилик тизимидаги мутасаддилар, методист ва педагоглар, коммуникацион технологиялар мутахассислари шу каби масалаларни биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, хорижининг бу борадаги тажрибасини ҳам ўзлаштириш асосида амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишлари шарт. Зеро, катталар ахборот тарқатувчи .uz ларга ошно тутингани ҳолда, болаларни маълум ёшгача бундай сайтлар таъсиридан имкон даражасида асрашдан барчамиз мафатдоримиз.

Рустам ИБРАГИМОВ,
“Бухоронома” муҳбири

КУН ХУЛОСАСИ:

Ҳаёт бағишлайдиган
кичик қаҳрамон

Денгиз суви кўтарилиб, қирғоққа жуда кўллаб медузаларни чиқариб ташлади. Сув пайсаёғач, улар куёш нурида қуриб қола бошлади.

Қирғоқда уйнаб юрган бола медузаларни битта-битта денгизга ташлашга киришди. У жониворларнинг яшаши учун ҳаракат қиларди.

Боланинг олдига бир киши яқинлашди ва сўради:


— Ҳой бола, сен нима учун бундай қилясан? Ахир, бу жониворларнинг барчасини кўтқаролмайсан-ку! Улардан кўпчилиги барибир ҳалок бўлади!

— Тўғри, мен ҳаммасини кўтқаролмайман, аммо ҳар бирини кўтқараётганимда қанчалки қувониб кетаётганимни билсангиз эди!

Ҳасорат — эзгу
ниятдан туғилади.

миз яши Самаралар бералти. Яқинда байналмилал жангчилар вилот уюшмасининг таъсис йиғилишини да бу соҳада тушланган тажриба эътиборга молик. Ҳақиқатан ҳам ўқитувчи ҳам-да ўқувчилар орасидаги му-

кейин ҳам ҳар бир соҳада олдинги марраларда боришига ишонаман.



Янги шеърлар

ШҮР ҲАҚИДА СЎЗ

Бухоро заминига қадам қўйган Файзулла Хўжаевнинг туркиялик жияни Темур Хўжа бир ҳовуч тупроқ олиб кўзларига суртди. Бир оздан сўнг у мандан:

— Муаллим, тупроқ дегани ширин бўлиши керак-ку! Нега бу шўр? — деб сўради.

Олис Туркиядан келган меҳмоним,
Саволинг ёқди-ку бу азиз жоним,
Ёлғон сўзламакка йўқдир имконим.
Дўстгинам, бизлар шўр ялаб юрибмиз.
Кўнларга сачраган дудул эдик биз,
Хушовоз, газалхон булбул эдик биз,
Бугун тузга тўлган қароқларимиз,
Рости гап: бизлар кўр бўлиб юрибмиз,
Инону ихтиёр ўздан чекинган,
Имону эътиқод сўздан чекинган,
Она-замин дарди кўздан чекинган,
Рости гап: бизлар гўр бўлиб юрибмиз.
Бу тупроқ сенга ҳам бегона эмас,
Азиз ота юртинг — Туркистондир, бас.
Кўлни-қўлга берсак... шўрдан ном қолмас,
Шу бахтга умидвор бўлиб юрибмиз.

Тошпўлат АҲМАД

* * *

Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун,
Қишдан сўнг баҳорга етган сингари.
Ким ялпиз, ким райҳон, лола юлар ким...
Талашларда сўлар баҳор ранглари.
Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун,
Ташналар дарёга йўлиққан яглиги
Ютоқиб сув очар боғига ҳар ким,
Бир дарёни ютар минг битта ариқ.
Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун,
Тириқча маҳталлар кўргандай фарзанд.
Ҳали кўзин очмай,
Қўлма-қўл гўдак
Нотинч эмган сўти чиқар оғзидан
Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун,
Қучгандай урушдан қайтган аскарини,
У беҳол қулайди,
Нафаси қайтиб,
Очолмай дилдаги дардли дафтарини...
Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун,
Ҳамма кўпкаритоз,
Ҳақиқат — улоқ.
Кўрқаман...
Ёпишиб ҳалол, ҳаром тенг,
Уни талатўпда қилмасак, ҳалок!!

Самандар ВОҲИДОВ.

«Темир-терсак болалар»

(ҲАЗИЛ)

Ер юзида ўзбеклардай
Болажон халқ йўқ экан.
Исм қўйиш — шу ҳам ишми,
Бундан кўнгли тўқ экан.
Гар ўроғи йўқолса, бас, —
Уроқ деркан ўғлини.
Ахир, булар битта эмас,
Минг-мингта бор, тўғрими!
Бирин — Болта, бирин —

Аташдан ҳам қайтмайди!
«Боши тошдан бўлсин!» деса,
Демак исми Тош бўлар.
Пўлат атаб биттасини
Кўзларига ёш келар!
Кенг қирларда яшнагандай,
Алвон-алвон лолалар,
Усар бизнинг она юртда
«Темир-терсак болалар».
Муҳаммад ШАРОПОВ,
Пешку ноҳияси.

Е Темир деб атайди.
Қаранг гоҳо Чўянбой деб,

ҲАМЖИҲАТЛИК

Фабрикамиз ҳақида ёзишга ўтирдим-у, бу иш ўйлаганимчаки осон эмаслигига амин бўлдим. Бу жамоамизда қизиқарли воқеалар, сўзлаб беришга арзигулик ишлар йўқ, деган гап эмас. Фақат жуда кўп айтилган гапларни такрорлашдан фойда бормикан, деб ўйлаб қолсан: ўша-ўша илғор ёшлар, бажарилаётган режалар. Лекин ахир ҳаётимиз ана шундай оддий одамларнинг кундалик ишлари, кундалик хурсандчилик ва ташвишлари, қолаверса, кундалик қаҳрамонликларидан иборат эмасми?!

Бухоро трикотаж фабрикаси жумҳуриятимиз энгил саноат минерлигининг етакчи корхоналаридан бири. Бу ерда 2,5 минг нафар ишчи меҳнат қилса, уларнинг 70 фоизи ёшлардир. Фабрикамиз комсомол кўмитасининг ташаббуси билан комсомол-ёшлар бригадалари штаби тузилган. Асосий мақсад — бригадалар ишини мувофиқлаштириб бориш. Бошқарув ана

БОШИ БЕРК

ЕКИ БУХОРО ЗАРДУЗЛАРИ УНДАН ҚАН
ЧИҚИБ КЕТИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИЗЛАЕТГАНЛИ


Қадимий ва ҳаммаша навқирон Бухоро асрлар оша ўзининг мадания бойликлари билан дунёни лол қолдирган кўҳна шаҳар. Унинг ўтмишидан даракчи — асрий обидалари, маҳобатли, осори-атиқалари, ноёб иллий гўмбазлари-ю, савлат тўкиб турган миноралари инсон зотини ҳайратда қолдирувчи жонли тарихдан гувоҳ. Яна Бухоро деганда майин ипақларда дунё акси жило бераётган зардўзи буюмлари кўз ўнгимизда гавдаланади...

Фабрика ишлаб чиқараётган нафис ва назокатли буюмлар кўп йиллардан буён хорижлар ҳам шуҳрат қозониб келатир... Аммо минг-минг таасуфлар бўлсинки, зардўзлик



тақдири айни шу кунларда хавф остида қолмоқда.
— Сабаби нимада! — сўрайман фабрика комсомол ташкилотининг котибаси Гулнора Маждиовадан.

— Москва шаҳридаги Шчербаков номили шойи тўқиш комбинати билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келардик. Лекин бозор иқтисодиёти шароитига ишлашга кўчдигу, тинчимиз йўқолди. Комбинат маъмурияти 1991 йил учун хом ашё, материал тақчиллигини рўқач қилиб, шартнома ни бузди. Анчайин югур-югурлар натижасида биз бу комбинат билан шу йилнинг 4-квартали учун 2,8 минг метр хом ашё олиш шартномасини ту-

да тўлдирувчи сифатида бошқа материаллар, мас., ёғоч кипиғи, целлюлоза ишлатилади. А.ни ҳар хил рангга бўяш мумкин. Улардан тайёрланган буюмлар кучсиз кислота ва ишқорлар, сурков мойлари, спирт, ацетон, бензол, бензин, керосин ва б. эритувчилар таъсирга чидамли, лекин кучли кислота ва ишқор уларни парчалайди. А. электр токини ўтказмайдиган қопловчи кошнлар тайёрлашда, турли буюмларни елимлашда ишлатилади. **АМИНОСПИРТЛАР**, аминокалкоголлар, алканолламинлар, гидроксилламинлар — таркибида амина-ва оксигуруҳлари бўлган алифатик бирикмалар. Кучсиз асос хоссаларига эга бўлган мойсимон суюқликлар. Саноатда А. эноксибирикмаларни аммиак ёки аминлар ёрдамида аминлаш, мас.:



$\text{HOCH}_2\text{CH}_2\text{NH}_2$ ёки куйи парафинлар ва формальдегиддан альдол конденсация усулида синтез қилинган 1,2-нитроспиртларни қайтариш йўли б-н олинадиди, мас.:



А. этаноламин, кир ювиш воситалари — шампунь ва лосьонлар, эмульгаторлар, косметик ва дори препаратлари и.ч. да ҳамда кислоталарнинг газларини (мас., CO_2) ютувчи модда сифатида қўлланилади. Баъзи алкалоидлар, мас., эфедрин А. бўлиб, унинг таркибига муҳим гормон — адреналин киради.

АМИНОФЕНОЛЛАР, $\text{C}_6\text{H}_4(\text{NH}_2)\text{OH}$, аминогидроксibenзоллар, гидросианилинлар — органик бирикмалар; рангсиз кристаллар; мол. м. 109,14. А. амфотер бирикмалар бўлиб, кислота ва ишқорлар б-н реакцияга киришиб, туз ҳосил қилади. Уч хил изомери бор. о-А., суюқланиш т-раси 174° , м-А., суюқланиш т-раси 123° ва п-А., суюқланиш т-раси 186° . Орто- ва параизомерлар ҳавода оксидланиб жигарранг тусга киради, метаизомер эса барқарорроқдир. А. нитрофенол ёки нитрофенолларни қайтариш йўли б-н олинадиди. А. олтингурутгли бўёқлар ва азобуёқлар и.ч. да қўлланилади. Бундан ташқари, п-А. ва уларнинг ҳосилалари, мас., метол, глицин, амидол фотографияда ишлатилади. п- ва о-А. мўйна ҳамда жун маҳсулотларини, о-А.нинг N-метил ҳосиласи эса сочи жигаррангга бўяшда қўлланилади. м-А. п-аминосалицилат

кислота и.ч.да оралиқ маҳсулот ҳисобланади.

АМИНОҚАНДЛАР, аминодезоксиқандлар — молекуласидаги бир ёки бир неча гидроксил гуруҳлар (альдозалардаги яримацетил ёки кетозалардаги яримкеталдан ташқари) ўрнига алмашинган ёки алмашинмаган аминогуруҳлар киритилган моносахаридлар. А. қайтарувчилар бўлиб, қандларга хос реакцияларга киришади, лекин асослар хоссаларини намоён қилади. Улар табиатда кенг тарқалган, ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг мураккаб оқсиллари, липидлар, полисахаридлар, глюкозалар ва б. таркибида учрайди, кўпгина гормонлар, антибиотиклар ва б. биологик муҳим моддалар таркибига киради. Адан глюкозамин ва галактозаминлар кенг тарқалган. Кўп А. синтетик усулда олинган.

АМИР (араб. — амр қилувчи, бошлиқ, ҳоким) — лашкарбоши, ҳоким, бек. Араб халифалигининг дастлабки халифалари ва *улавийлар* даврида алоҳида кўшин кўмондонлари А. деб аталиб, улар одатда забт этилган вилоятларга ноиб этиб тайинланганлар. Халифаларга Умар ибн ал-Хаттобдан бошлаб «А. ал-мўминин» («Мўминлар А.и») унвони берилган. *Аббосийлар* даврида А. одатда халифаларнинг олий ҳукмдор эканлигини тан олган ҳокимлар, шунингдек халифаликка номгагина қарам бўлган собиқ ноиблар (*ағлабийлар*, *тулунийлар*, *тоҳирийлар*) ёхуд қурол кучи б-н ўзлари давлат барпо этган мустақил ҳокимлар (*саффорийлар*, *ғазнавийлар*, *бувайҳийлар*); уларни 10-а.да султонлар деб ҳам атай бошлашган. 10-а. охири — 11-а. бошида А. деб турли табақага мансуб ҳокимлар ва лашкарбошилар (*айюбийлар*, *мамлуклар* давлатлари ва б.да) аталган. Урта асрларда Мовароуннаҳр хонликларида *Амир ул-умаро*, *Амири шикор* мансаблари мавжуд бўлган. Олтин Ўрда, сўнгра Мовароуннаҳр ва Эронда мўғуллар истилосидан сўнг А. деб *улуслар* бошлиқлари аталган (*бек ёки нўён маъносид*). Бу унвонни Амир Темур ҳам олган; теурийлар сулоласига мансуб шаҳзодалар Амирзода (амир ўғли) деб аталиб, *мирзо* унинг қисқартирилган шаклидир. 18-а. охиридан эътиборан *Бухоро хонлиги* ҳукмдорлари ўзларини А. деб атай бошлаганлар. *Сафавийлар* Эрониди А. — вилоят ҳокимлари (одатда қабила бошлиқлари, хонлар ва султонлар), Афғонистонда А. унвонини баракзойлар сулоласи ҳукмдорлари *Дўстмухаммадхон*дан бошлаб олганлар. 20-а.да монархик араб давлатларида (мас., Саудия

Арабистонида) А. — ҳукмрон сулоланинг валиаҳд шаҳзодалари.

АМИР АБДУЛЛОҲ (17-а.) — тарихчи олим. А. А. аштархоний шаҳзодалардан Искандар султоннинг топшириғи б-н «*Жоме ат-таворих*»нинг бир қисми бўлган «Тарихи Ҳозоний» асарини форс тилидан туркий тилга таржима қилган. Таржима жараёнида асарни қисқартириб, бунинг ҳисобига ўзбек хонларидан *Абулхайрхон*, унинг авлодлари тарихи ва Муҳаммад *Шайбонийхон* ҳукмронлигининг илк даври тарихини қўшган. Асар олимни рағбатлантирган султон номи б-н «Искандарнома» деб номланган. Китобнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

АМИР АЛИ АКБАР САМАРҚАНДИЙ, Қутбул Ақтоб (16-а.) — ўзбек соҳнада-бастакори. «Илми одоб», «Илми ахлоқ» сингари асарлар ёзган, жуда кўп савт ва нақшларни басталаган. Мурабий сифатида эса у Маҳзумзодаи Хоразмий, Мавлоно Дарвиш Бўзғала, Мир Хокий, Мавлоно Пирмухаммад Кулод, Устод Тўлак Нойи, Устод Абдусаттор Қонуний, Устод Арабий Навейи, Маҳдумзода Котиб сингари таниқли создаларни тарбиялаб етиштирган.

АМИР ал-МўМИНИН (араб. — мўминлар амири) — илк ислом давридаги халифаларнинг унвони. Исломи таълимотида *Муҳаммад* (сав) охириги пайғамбар, халифалар эса пайғамбарнинг ўринбосарлари ҳисобланади. Диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимият уларнинг қўлларида жамланган. Бу вазифаларни бажарувчилар «халифа», «имом», «амир» истилоҳлари ўрнига, ҳар учала мазмунни ифодаловчи ягона А. ал-м. истилоҳи б-н аталган. Мазкур унвон илк дафъа *Абу Бакр*дан кейинги иккинчи халифа Умарга берилган, кейинги барча халифалар (Усмон, Али ва б.) ҳам шу унвон б-н аталган.

АМИР БУРУНДУҚ МАҚБАРАСИ, Бурундуқ мақбараси — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14-а. охири). Амир Темурнинг қўшин бошлиғи амир Бурундуқ қабри устига қурилган. *Шоҳизинда ансамбли* таркибидаги бир хонали, пештоқли, қўш қават гумбазли бино. Пештоқли нақшли сопол парчин, бўртма нақшли кошн, силлиқланган ғишт қоплаб безатилган. Бино ичига кўк рангли парчинлар, қизил кесакдан бежирим нақшлар ишланган. Жан. деворида — қабристон томонда эшиги бор. Ерғўла — гўрхонаси чортоқ тарҳли; Туркистон меъморлигида кам

учрайдиган чортоқ гумбаз б-н ёпилган. Ичкарида 9 та қабр сақланиб қолган.

АМИР МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1870). Тўғри тўртбурчак тарҳли (52,7×36,7 м), ҳовлиси (30,7×19,35 м) атрофига томи балхи гумбаз б-н ёпилган ҳужралар қурилган. Мадрасага салобатли пештоқ орқали кирилади. Пештоқнинг икки ёнидаги икки қаватли (ҳужралар олдидаги) равоқли айвонлар, бош тарзининг икки бурчагига ишланган гулдаста бинога маҳобатлилик бахш этган. Ҳовлида ҳужраларга буташтириб ёни очик, тепаси гумбаз б-н беркитилган масжид айвони қурилган. Дарсхона ва масжид (5×5 м) ҳам гумбаз б-н ёпилган, бош тарзи безаксиз — ниҳоясига етказилмай қолган, ҳовли деворлари кошин б-н безатилган.

АМИР МАСЖИДИ — Қоҳирадаги қад. араб меъморий ёдгорлиги (642—643). А. масжидини араб саркардаси Амир ибн ал-Ос қурдирган. Масжид сўнгги даврларда кўп марта қайта қурилишига қарамай дастлабки ҳолатини сақлаб қолган. Ҳовли кўп устунли айвон б-н ўралган, ўртасида фаввора бор. Устунлар устига ўрнатилган бошалари ярим доира шаклидаги равоқларни тутиб туради.

АМИР МАСТИ ҚОБУЗИЙ (15-а. охири, Ҳирот — 16-а. бошлари, Бухоро) — созанда, бастакор, ҳофиз. Абдурахмон Жомийнинг шоғирди. А. М. Қ.нинг гоят хушовоз эканлигини пайқаган Жомий, унга мослаб «Имома» номли махсус *нақиш* басталаган ва бу асарни ижро этиш йўллари А. М. Қ. га ўргатган. Дарвиш Алининг «Тухфат ус-сурур»ида баён этилишича, А. М. Қ. кейинчалик Ҳиротдан Бухорога кўчиб ўтган. Бу ерда у Бухоро ҳофизларига устозлик қилган. Бухоронинг Шайх Аҳмад, Ҳофиз Маҳмуд, Насафий, Ҳофиз Турди, Ҳофиз Қосим, Ҳофиз Ҳасан Дарбозаи Обий, Ҳофиз Поёндаи Муҳаммад сингари машҳур санъаткорлари А. М. Қ.нинг шоғирдлари.

АМИР ОЛИМХОН — қ. *Олимхон*.

АМИР ТЕМУР, Темур, Темурбек (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул) [1336.9.4, Кеш (ҳоз. Шаҳрисабз) ш. яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи (ҳоз. Яккабоғ тумани) — 1405.18.2, Ўтрор ш., Самарқандда дафн этилган] — ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси.

А. Т.нинг онаси Такина хотун бухорлик. Отаси амир Тарағой эса барлос

уруғининг оқсоқолларидан ҳамда *Чигатой улусининг* эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган. Шу боис А. Т.нинг отаси амир Тарағой ҳам йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чақириланидан эл-юрт бекларининг қурултойига таклиф этилар ва у бундай йиғинларда муттасил қатнашар эди. Шу б-н бирга у, *Шарафуддин Али Яздий*нинг таъкидлашига кўра, «уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...». Тарағойбек пири *Шамсуддин Кулолни* айниқса чуқур эҳтиром қилган. Кейинчалик шайх Кулол А. Т.нинг ҳам пири бўлган. Тарағойбек 1360 й.да вафот этган.

А. Т.нинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга берди. А. Т. ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар б-н машғул бўлган. Шу аснода А. Т. тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довюррак баҳодир бўлиб вояга етган. А. Т. табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. Шу тўғрисида ўспиринлик чоғларидаёқ атрофига тенгқурлари орасидан садоқатли дўстларни жалб қила олган. Унинг атрофига болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари (Аббос баҳодур, Жаҳоншоҳбек, Қимори иноқ, Сулаймоншоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек, Ҳиндушоҳ, Қарқара ва б.) тўпланишиб, биргаликда машқ қилар, мусобақаларда иштирок этишар, аста-секин навқар бўлишиб ва ҳарбий гуруҳга бирлашиб, ҳарбий бўлинма сифатида шакллана борган. Кейинчалик улар А. Т. кўшинида лашкарбошилиқ даражасигача кўтарилганлар.

А. Т. ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навқарлари б-н айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган; уларнинг ўзаро курашларида қатнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниққан, ҳарбий маҳоратини оширган. Донги бутун Қашқадарё воҳасига ёйилган. А. Т.нинг ақлу заковати, шижоати ва шухрати уни Мовароуннаҳрнинг нуфузли амирларидан амир Хизр Ясовурий ва амир Қазағон б-н яқинлаштирди. *Хондамир*нинг ёзишича, отаси амир Тарағой А. Т.ни аввал (1355) амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғога, сўнгра ўша йили (1355) Қазағоннинг набираси ва амир

Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлантиради. Кейинги никоҳ тўғрисида А. Т. б-н Балх ҳокими амир Хусайн ўртасида иттифоқ юзага келиб, улар биргаликда мўғулларга қарши курашадилар.

А. Т.нинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги ҳаракати 14-а.нинг 60-й.лари бошларидан бошланди. 14-а.нинг 50-й.лари охирида Мовароуннаҳрда амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, амир Қазағон ўлдирилди. Мамлакатда сиёсий парокандалик авжига чиқиб, оғир танглик содир бўлди. Хондамирнинг «*Ҳабиб ус-сияр*» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетган. Самарқанд вилоятида амир Баён сулдуз, Кешда амир Ҳожи барлос, Хўжандда амир Боязид жалоир, Балхда Ўлжой Буга сулдуз, Шибиргонда Муҳаммад I Хожа Аперди найман, Кўхистонда Бадахшон шоҳи амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхусрав, Ҳисори Шодмон ҳудудида амир Хусайн ва амир Хизр Ясовурийлар ўзларини ҳокими мутлақ деб эълон қиладилар.

Бу даврда Чигатой улусининг шарқий қисми — Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Жета хонларидан *Туглуқ Темур* ва унинг вориси *Илёсхожа* 1360 — 61 ва 1365 й.ларда Мовароуннаҳрда бир неча бор бостириб қирадилар. Мўғул хонларининг босқинчилик юришлари ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади. Бироқ, Мовароуннаҳр амирлари халққа бош бўлиб, мўғул босқинчиларига қарши курашга журъат эта олмайдилар. Уларнинг бир қисми душман тарафига ўтади, иккинчи қисми эса эл-юртнинг тарқ этиб, ўзга мамлакатлардан бошпана излайдилар. А. Т.нинг амакиси, Кеш вилоятининг ҳукмдори амир Ҳожи барлос Хуросонга қочади. Мана шундай оғир паллада сиёсат майдонига А. Т. қиради. Мўғулларга қарши туриш учун кучлар нисбати тенг эмаслигини ҳисобга олган 24 ёшли А. Т. 1360 й.нинг бошида Туглуқ Темур томонидан Кешга юборилган беклар б-н келишади. Шароит тақозоси б-н хон хизматига ўтиб, унинг ёрлиғи б-н ўз вилоятининг *доругаси* этиб тайин қилинади. Шубҳасиз, бу ноиложликдан қўйилган сиёсий ҳамда стратегик қадам бўлиб, бу б-н А. Т. мўғулларнинг навбатдаги талон-тарожининг олдини олган, мамлакат ва халқни фалокатдан қутқарган эди. Бироқ, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори этиб тайин қилинган Илёсхожа ва унинг лашкарбошиси амир Беккич б-н А. Т.нинг мурасиси келишмай



Амир Темур (рассом Малик Набиев асари).

қолади. Шу сабабдан 1361 й.нинг охирида у мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади.

Хиванинг жан.да, Урганжий даштида А. Т. Туглуқ Темурнинг яна бир рақиби — қайноғаси амир Ҳусайн б-н учрашади. А. Т. мўғуллар б-н курашиш мақсадида у б-н бирлашиб, икковлон куч тўплашга киришади. Дастлаб улар Туглуқ Темурхоннинг фармонида биноан А. Т.ни таъқиб қилишга киришган Хива доруғаси Тўқол (Таваккал) б-н жанг қиладилар. Сўнгра 1362 й.нинг кузида Сеистонда вилоят ҳукмдори Малик Кутбиддиннинг тарафида туриб мекронийлар б-н бўлган тўқнашувда А. Т. ўнг кифти ва ўнг оёғидан жароҳатланди.

А. Т. ва амир Ҳусайн кейинги икки йил давомида Илёсхожа бошлиқ *Жета* лашкари б-н бир неча марта жанг қиладилар. Ниҳоят, 1364 й. охирида улар мўғул қўшинларини Мовароуннаҳр худудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўладилар.

Бироқ, Мовароуннаҳрни қўлдан чикаришни истамаган Илёсхожа 1365 й.нинг баҳорида яна Туркистон устига қўшин тортади. Тошкент б-н Чиноз оралигида икки ўртада содир бўлган жанг тарихда «*Лой жанги*» номи б-н шуҳрат топади. Жангда амир Ҳусайннинг хиёнати оқибатида мағлубиятга учрайдилар ва ўз қўшинлари б-н Амударё бўйларига чекиниб, Балх вилоятида ўрнашдилар. Илёсхожа эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Хўжанд, Жиззах ва б. бир қанча шаҳар ҳамда қишлоқларни эгаллаб, Самарқанд устига юради. Самарқанд ўша пайтларда катта қўшинга қаршилик кўрсата олмасди. Шаҳарнинг на девори ва на мустаҳкам истеҳкомлари, на қуролланган сипоҳийси бор эди. Бек ва амирлар шаҳарни тарк этган эди, лекин мўғулларга қарши халқ кўтарилди, *сарбадорлар* шаҳар мудофаасини ўз қўлларига олдилар. Шаҳар мудофаачиларига мадраса толиби илмларидан *Мавлонозода* Самарқандий, жун (пахта) титув-

чилар маҳалласининг оқсоқоли *Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф* ва мерган мавлоно Хурдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар Самарқанд ш.да мўғулларга қақшатқич зарба берадилар. Илёсхожа дастлаб Самарқандни, сўнгра бутун Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Сарбадорларнинг мўғуллар устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги хабар амир Ҳусайн б-н А. Т.га ҳам бориб етган. А. Т. қишни Қаршида, Ҳусайн эса Амударё бўйида ўтказиб, 1366 й. баҳорида Самарқандга йўл олдилар. Улар *Кониғилда* тўхтаб сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабаларидан мамнун бўлганликларини ва улар б-н учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Бироқ, сарбадорларнинг бошлиқлари амирлар хузурига келганларида амир Ҳусайн буйруғи б-н Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф б-н мавлоно Хурдак Бухорийлар дорга тортилади. Мавлонозода эса А.Т. ўз ҳимоясига олиб қутқариб қолади. Шу тарихда сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб, Мовароуннаҳрда амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилди, аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн б-н А. Т. ўртасидаги муносабат кескинлашиб, очикдан-очик низога айланади. А. Т.нинг нуфузи ортиб бораётганлигидан хавфсираган амир Ҳусайн Балхга қайтиб, унинг қалъа деворлари ва истеҳкомларини мустаҳкамлашга киришади. Балх, Қундуз ва Бадахшондан кўп сонли лашкар ҳам тўплайди. Кеш ва Қарши вилоятларига бош бўлган А. Т. ҳам амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўради. 1366 — 70 й.лар ўртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади.

14-а.нинг 60-й.ларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни тақозо қилмоқда эди. Амир Ҳусайндан кўра А. Т. замонининг бундай талабини яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тuzишга қаратади. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шаҳар хунармандлари табақаларига суянади. А. Т. тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, курашни аввало ички ганимларидан бошлайди. 1370 й. баҳорида А. Т. амир Ҳусайнга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда маккалик шарифлардан *Саййид Барак* А. Т. фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи катта ноғора — табл б-н ялов — байроқ тортиқ қилади. Шубҳасиз бу воқеа катта сиёсий аҳамиятга эга



Амир Темур давлати байроғи.

эди. Чунки у салтанатлик рамзи эди. А. Т. бунни яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Балхга етмасдан Ўрпуз мавзеида у амир ва нўёнлари б-н кенгаш ўтказди. Кўпчиликнинг хоҳиш ва ихтиёри б-н, ўша давр қонун-қоидаларига кўра, чингизийлар авлодидан бўлган Суюрғатмиш ўғлон Мовароуннаҳр подшолиги тахтига ўтқазилди. А. Т. кўшини то Балхга етиб боргунича, унга йўл-йўлакай янги-янги кучлар келиб қўшилди. Шу аснода амир Ҳусайнни кўпчилик амирлари тарк этдилар. Жангда амир Ҳусайн кўшинлари енгилди, икки кунлик қамалдан сўнг, 1370 й.нинг 10 апр.да Балх ш. А. Т.га таслим бўлди. Амир Ҳусайн асир олиниб, қатл этилди. Бу ғалабадан сўнг А. Т. Мовароуннаҳрнинг чингизийлардан бўлган ҳукмдори Қозонхоннинг қизи Сароймулк хонимни ўз никоҳига олди. Хон қизига уйланганлиги муносабати б-н А. Т. «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини олди.

1370 й.нинг 11 апр.да Чигатой улусининг барча беклари, амирлари, вилоят ва туманларнинг доруғалари ҳамда Термизнинг саййидлари (худовандзодалари), шунингдек А. Т.нинг ёшликдан бирга бўлган қурулдош дўстлари ва пири Саййид Бараканинг иштирокида ўтказилган қурултойда анъанага кўра чингизийлардан Суюрғатмишхон мамлакат ҳукмдори деб эълон қилинган бўлса-да, амалда марказий ҳокимиятни А. Т. ўзи бошқарди, вилоятлардаги ҳокимиятни ўғиллари, набиралари ва яқин амирлари орқали идора қилди. Самарқанд А. Т. давлатининг пойтахтига айлантирилиб, ўша йилнинг эзида шаҳар девори ва қалъаси тикланди, сарой ва қасрлар бино қилинди.

Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб, кўпдан давом этиб келаётган ички тарқоқликка барҳам бериш, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида А. Т. (1370 й. июнида) Самарқандда катта қурултой чақирди. Унда марказий давлат тизимини шакллантириш ва қўшин тузиш масалалари муҳокама этилди.

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган А. Т. кўшиннинг тузилишига катта аҳамият

берди. У «амир» ва «амир ул-умаро» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилди. Кўшинни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, у айниқса лашкар-бошиларни танлаш ва уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қурулланиши ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда эътибор беради (яна қ. *Темурийлар ҳарбий санъати*).

А. Т. ҳокимият тепасига келгач, дастлабки вақтлардаёқ мамлакатда рўй берган оғир иқтисодий тангликни бартараф қилиш учун энг аввало солиқ тизимини тартибга солди. Давлат солиқларини йиғишда аминлар, калонтарлар ва солиқ йиғувчиларни раъиятга нисбатан инсоф ва адолатли бўлишга, қонунга хилоф иш тутмасликка чақирди, чунки салтанатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан раъиятнинг ҳол-аҳволи, унинг давлат ва давлат бошлиғига бўлган садоқатига боғлиқ. Раъиятни ҳимоя қилиш қонун б-н мустаҳкамланган, қонун барчага баробар бўлган. А. Т. нафақат ўз халқини, балки забт этилган мамлакатларнинг аҳолисини ҳам имкони борича қонун ҳимоясига олган. Уларни асирлик ва талон-тарожлардан сақлаган.

А. Т. Мовароуннаҳрни мўғуллар ҳукмронлигидан озод этиб, бу қад. мамлакатда мустақил давлат барпо этган бўлса-да, ҳали мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилган эмас эди. Бир томондан айрим вилоят ҳокимлари А. Т. ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб турган бўлсалар, иккинчи томондан мамлакатнинг шарқий ва шим. ҳудудлари нотинч эди. Мўғулистон б-н Оқ Ўрда ҳукмдорлари Фарғона водийсининг шарқи, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрам ш.ларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез ҳужум қилар ва аҳолини талон-тарож қиларди. Шунинг учун ҳам А. Т. дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. 1370 й. кузи ва 1371 й. баҳорида амир Зинда Чашмга зарба бериб, Шибиригон вилояти бўйсундирилди. Балх ва Тошкент вилоятлари ҳам А. Т. ҳокимиятини тан олдилар. Аммо Хоразм Оқ Ўрда ҳукмдорларига суяниб, ҳануз бўйсунидан бош тортиб келарди. Хоразмни А. Т. Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди. Аммо бу масала элчилар воситасида тинч йўл б-н ҳал этилмагач, А. Т. Хоразм худудига беш маротаба юриш қилди. Биринчи юриши 1371 й. ёз (июл)ида Кот ш.ни эгаллаш б-н якунланди. А. Т.нинг 1373 й. баҳори ва 1375 й. эзида Хоразм томонга қилган икки юри-

ши натижасиз тугади. Бу аснода Олтин Ўрда хони Тўхтамиш б-н иттифоқ тузиб олган Хоразм ҳукмдори Юсуф сўфи, унинг ёрдамида А. Т. давлати худудларига бир неча бор юриш қилиб, Қорақўл вилояти ва Бухоро туманларини талон-тарож этди. Бундай вазият шубҳасиз, 1379 й.да А. Т.ни тўртинчи маротаба Хоразмга кўшин тортишга мажбур этди. Лекин, бу юриш ҳам аввалгилари каби сулҳ тузиш б-н тугади. Бироқ шунга қарамай, Юсуф сўфи илгари Хоразмнинг Чигатой улусига тегишли бўлган жан.-шарқий (Кот ва Хива ш.лари бирга) қисмини яна қайтадан босиб олди. А. Т. давлатига нисбатан Юсуф сўфининг тутган бундай тажовуз-корона сиёсати Хоразм устига А. Т.нинг бешинчи марта юриш қилишига сабаб бўлди. 1388 й.да Хоразмнинг пойтахти вайрон этилиб, унинг худудлари А. Т. давлатига бўйсундирилди.

Бу орада А. Т. Мўғулистон ҳокими Қамариддин б-н ҳам тўқнашиб қолди, чунки бу даврда унинг Мовароуннаҳрга бўлган талончилик хуружлари кучайиб кетганди. 1370 — 71 й.ларда у Тошкент ва Андижон устига бир неча бор босқин қилиб, талаб қайтганди. 1376 й.да эса Қамариддин ҳатто Фарғона водийсининг талайгина қисмини босиб олди. А. Т. мамлакатнинг шим.-шарқий ҳудудларига нисбатан бўлаётган муттасил таҳдидни бартараф қилиш учун Қамариддинга жиддий зарба беришга киришади. Йигирма йил (1371 — 90) мобайнида Ҳохибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди. Шу залда А. Т. Мовароуннаҳр ва Хоразмда ички тарқоқлик, ўзаро низолар, шунингдек Мўғулистон томонидан бўлиб турган тазйиққа чек қўйиб, ушбу ҳудудда яшовчи элу элат ва халқларни ягона давлатга бирлаштирди. Бу шубҳасиз, Мовароуннаҳр аҳолиси тақдирини ижобий аҳамият касб этди. Аммо, А. Т. бу б-н қаноатланмади. Тез орада у қўшни давлатлар ва халқлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу даврда Олтин Ўрда, Хуросон ва Эрондаги ижтимоий-сиёсий вазият унинг учун жуда қўл келди. А. Т. ҳарбий юришни Хуросондан бошлади. 1381 й. у Ҳиротни эгаллади. Сарахс, Жом ва Қавсия ш.лари жангсиз таслим бўлди. Хуросон, хусусан унинг пойтахти Ҳирот стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Эрон, Ироқ, Шом ва б. мамлакатларга ўтишда кўприк вазифасини ўтарди. 1381 — 84 й.лар давомида А. Т. Эроннинг катта қисмини эгаллади. Ав-

вал (1381) Калот, Туршиз ва Сабзавор, кейин (1383) Сеистоннинг Зирех, Зова, Фараҳ ва Буст қалъалари, 1384 й.да эса Астробод вилояти ва Озарбайжоннинг Омул, Сори, Султония ва Табриз ш.лари буйсундирилди.

А. Т. Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига уч марта лашкар тортди. Бу юришлар тарихда «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» урушлар номи б-н машҳур. Уч йиллик (1386 — 88) ҳарбий юришлар оқибатида Жан. Озарбайжон, Ироқнинг шим. қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди.

А. Т. шу б-н бирга шим.-ғарбдан, яъни Олтин Урда томонидан бўлаётган таъйиққа барҳам бериш мақсадида Тўхтамишга қарши уч марта қўшин тортди-таважжуб бўлди. У 1389 й. да Дизақ (Жиззах)нинг Аччиқ мавзеида, 1391 й.нинг 18 июнида (ҳоз. Самара б-н Чистополь ш.лари оралигида жойлашган Кундузча (Кондурча) дарёси водийсида

(қ. *Кундузча жанги*) ва ниҳоят, 1395 й.да (28 фев.) Шим. Кавказда Терек дарёси бўйида Тўхтамиш қўшинига қақшатқич зарба беради (қ. *Терек дарёси бўйидаги жанг*). А. Т. ҳарбий юришлари оқибатида Қуйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, *Саройчик* ва Ҳожитархон (Астрахон) каби шаҳарлар ғорат қилинди. А. Т. Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача борди ва Елец ш.ни ишғол қилди. Шарафуддин Али Яздий А. Т.нинг Москва юришини шундай таърифлайди: «Соҳибқирон Маскавга сориким, Руснинг шаҳарларидан эрди, таважжуб қилди. Анда етконда нусратшиёр черики ул вилоятни (шаҳар ва атрофини) чобтилар ва андаги ҳокимларни тобёз қилди. Ва черикнинг эликларига сонсиз мол тушти...» («Зафарнома», 179-бет). Бу урушда Азақ (Азов), Кубан ва Черкас ерлари ҳам кучли азият чекди. Қизиги шундаки, А. Т. Идилнинг Туртур кечуви бўйида *Урусхон*нинг ўгли Қуйричок ўелонни қақиртириб, унга қўлга

киритилган собиқ Жўчи улусини инъом этди. Россия тарихчилари Б. Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг ёзишлари-ча, А. Т.нинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Марказий Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек тарқоқ Русь князликларининг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган.

Шундан сўнг А. Т. бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Ҳиндистон ерларини узил-кесил забт этишга қаратди. У беш йиллик (1392 — 96) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Аҷам ва Кавказни эгаллади, натижада *музаффарийлар* ва *жалоирийлар* сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топди.

А. Т.нинг Ҳиндистон устига қилган уруши (1398 й. май — 1399 й. март) қарийб ўн бир ой давом этди. А. Т. Ҳиндистондан катта ўлжа, шу жумладан 120 жанговар фил б-н қайтди. Ўлжаларнинг бир қисми қўшинга тақсим-





Амир Темур хузурида базм. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра (1628).

лаб берилди, қолгани Самарқанд ва Кеш ш.ларида олиб борилаётган қурилишларга сарфланди.

А. Т.нинг 1399 — 1404 й.ларда олиб борган ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Балбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси (қад. *Каппадокия*) б-н Бағдод, шунингдек Туркиянинг катта қисми забт этилади. *Анқара жангида* А. Т. жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири *Боязид I* Йилдирим устидан галаба қозонди. Туркия султони асирга олинди. У б-н бирга хотини серб маликаси Оливера, ўғиллари Мусо ва Исо Чалабийлар ҳам асирга тушдилар. Сўнг, А. Т. Анадолу я. о.ни эгаллаб, Урта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган Измир ш.ни забт этди ва *салибчиларнинг* Яқин Шарқдаги охириги қароргоҳига барҳам берди. Сўнгра, Эгей денгизида жойлашган Хиос ва

Лесбос оларидаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари унга таслим бўлдилар, Миср ҳам ўз итоткорлигини изҳор этди. А. Т. Анқара, Никея, Бурса ва Измир ш.ларини эгаллаб, Византия ва бутун насоро оламининг Боязидга йиғиб берган божларидан иборат катта бойликни қўлга киритди. Биргина Бурса ш.дан олинган олтин ва жавоҳирларнинг ўзи каттагина карвонга юк бўлган.

Банди қилинган Боязид ўрдугоҳга олиб келинган, А. Т. унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Унинг вафотидан сўнг (1403 й. 9 март) эса ворисларига ҳиммат кўзи б-н боқиб, уларга беқиёс мурувватлар қилди. Чунончи Боязиднинг тўнғич ўғли Сулаймон Чалабийни туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким этиб тайинлади. Эдирне (Адрианополи) ш. унинг пойтахти қилиб белгиланди. Анадолунинг шим.-ғарбий қисми *суюрғол* сифатида Исо Чалабийга инъом қилиниб, Бурса ш. унинг пой-


тахтига айлантирилди. Усмонли турклар давлатининг марказий қисмини бошқаришни Мусо Чалабийга топширди. А. Т. Усмонли турклар давлатини бутунлай босиб олиш ниятида бўлмаган, чунки у Европа давлатларининг Яқин Шарқ мамлакатларига нисбатан тажовузкорона ниятда эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам А. Т. Усмонли турклар давлатини сақлаб қолди ва Боязиднинг ворисларига мурувват қўлини чўзди. Шундай бўлса-да, Боязид устидан қозонилган бу галаба б-н А. Т.ни Франция қироли *Карл VI* (1380 — 1422), Англия қироли *Генрих IV* (1399 — 1407) табриқлаб, унга махсус мактуб юбордилар. Чунки А. Т. эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

А. Т. Кичик Осиёдан Самарқандга қайтгач, 1404 й. 27 нояб.да 200 минг қўшин б-н Самарқанддан Хитой сафарига чиқди. Бироқ Хитой устига юриш А. Т.нинг Ўтрорда вафоти (1405 й. 18 фев.) туфайли амалга ошмай қолди. А. Т.нинг вафоти ҳақидаги хабар гарчи аввалда сир тутилса-да, аммо кўп вақт ўтмай бу нохуш хабар мамлакат бўйлаб тарқалиб кетади. А. Т.нинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн қилинади (қ. *Амир Темур мақбараси*).

А. Т. — буюк давлат асосчиси. У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар гоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари А. Т. давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шим.-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шим.-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача; жан.-шарқда эса Шим. Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилди. А. Т. давлатни ақл-заковот ва ҳуқуқий асос б-н идора этган. Унинг «...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич б-н амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Тарих бу қўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. А. Т.нинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик б-н машғул бўлган. Унинг «Қай бир жойдан бир фиш олсам, ўрнига ўн фишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир. А. Т.га ҳар бир зафарли воқеа ва севин-


чли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш б-н нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-хунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино қилганлар. А. Т. забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари (Бағдод, Дарбанд, Байлақон)ни қайта тиклади. А. Т. Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад *Яссавий* қабри устига мақбара қурдирган бўлса-да, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара б-н масжид қурдирди. А. Т. хукмронлигининг илк даврида Кеш ш.ни пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машҳур *Оқсарой* қад кўтарди. А. Т. Кешни Мовароуннахрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббат ул-илм вал-адаб» унвонига эга бўлди. Салтанат пойтахти Самарқанд А. Т. даврида айниқса гуллаб яшнади. Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш ш.ларининг меъмору бинокорлари қўли б-н саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисиде эса боғроғлар ва бўстонлар барпо этилади (қ. *Амир Темур боғлари*). Хусусан Шохизинда меъморий мажмуасига мансуб *Шодимулк ого мақбараси*, *Ширинбека ого мақбараси* ва б. қурилади. Шаҳарда *Бибихоним жоме масжиди*, А. Т.нинг қароргоҳи *Кўксарой* ва Бўстонсаройлар қад кўтарди. Умуман олганда Самарқанд ш. А. Т. даврида ўзининг қад. ўрни *Афросиёбдан* бирмунча жан.роқда бутунлай янгитдан қурилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори б-н ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар б-н аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Мовароуннахрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб сугориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. *Ибн Арабшоҳнинг* ёзишича, А. Т. Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари б-н атади. А. Т.нинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди. *Ҳофиз Абрининг* ёзишича, А. Т. турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир ма-



Амир Темур кўшинлари Ҳиндистондаги қалъани олиши. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра. Шероз (1553).

салани ҳал этишда, шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари б-н маслаҳатлашарди. Одатда у тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар б-н суҳбатлар ўтказарди. А. Т. саройида уламолардан мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, мавлоно Шамсуддин Мунши, мавлоно Абдулло Лисон, мавлоно Баҳрудин Аҳмад, мавлоно Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва б. хизмат қиларди. Алишер Навоийга А. Т.нинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги жуда ёқар эди. Бу ҳақда Навоий шундай деганди: «Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини

учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва б. лавозимларда фойдаланарди». А. Т. даврида савдо ва хунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари барпо қилинади. *Клавихо* Самарқанд бозорларида бугдой ва гуручининг мўллиги ва арзонлиги ҳақида гапириб, шаҳар хунармандчилиги маҳсулотларини — атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зирavor ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигини ҳам таъкидлайдилар. Бу даврда А. Т. ва унинг жой-



Султон Маҳмудхон асир олинган Султон Боязид Йилдиримни Амир Темур ҳузурига келтиряпти. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра. Шероз (1553).

лардаги ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо йўли — «Еуюк ипак йўли»ни назорат қилиб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда, работлар, қалъалар, кўприклар қуриш йўлида муҳим чора-тадбирлар кўрдилар ва Шарқ б-н Ғарб ўртасида савдосотиқ ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор бердилар. А. Т. энг муҳими, Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги майда ҳукмдорлар ўртасидаги тарқоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, бу б-н нафақат Мовароуннаҳр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий

тараққиётига, халқлар ва мамлакатларни бир-бири б-н яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди. А. Т. Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари б-н бевосита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди.


А. Т.нинг ҳарбий юришлари, жангу жадалларининг оқибатларига баҳо берилар экан, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич (1360 — 86)да А. Т. Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш йўлида курашди, Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган маҳаллий зодагонлардан иборат ижтимоий куч-

лар (мулкдор деҳқонлар, ҳарбийлар, хунармандлар, савдогарлар ва руҳонийлар) ёрдамида тарқоқ мулкларни бирлаштириш учун кураш олиб борди. А. Т.нинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиёти йўлида шубҳасиз улкан ижобий аҳамият касб этади. Мамлакатда тарқоқлик тугатилиб, марказлашган давлатнинг ташкил топиши ижобий оқибатларга олиб келди. Мамлакат и.ч. кучларини ва мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги натижасида бўҳронга учраган иқтисодни тиклаш учун қулайроқ шароит вужудга келди. Айни вақтда ҳўжаликнинг асоси бўлган деҳқончиликда муайян силжешлар рўй берди. Янги-янги ариқ (канал)лар қазилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайди. Хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди, фан ва маданият равнақ топиб, шаҳарлар ободлашди ва гавжумлашди. А. Т. бирор мамлакатни тасарруфига олишдан аввал албатта ўша жой аҳолисига тинчлик йўлини тақлиф этган, бу йўл инкор этилган ҳолдагина ҳарбий куч ишлаган.

А. Т. ҳаётлиги чоғидаёқ салтанатни асосан тўрт қисм (улус)га бўлиб, ўғил, набираларига тақсимлаб берган: Хурросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Ҳирот) *Шоҳрух*га, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) *Мироншоҳ*га, Форс, яъни Эроннинг жан. қисми (маркази Шероз) *Умаршайх*га, Афғонистон ва Шим. Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) *Пирмуҳаммад*га суюрғол қилиб берилган. А. Т. давлати ўзига хос тартиб-қоидаларга асосланган ҳолда идора этилган (қ. *Темурийлар давлати*). А. Т. асос солган бу давлат Хурросон ва Мовароуннаҳрда 16-а. бошигача мавжуд бўлиб, *Шайбонийхон* томонидан тугатилган.

Шўролар тузуми даврида А.Т. шахси ва фаолиятига адолатсизлик б-н ёндошилиб, бир ёклама баҳо берилиб келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашларга барҳам берилди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислоҳ Каримов сазъ-ҳаракати б-н А. Т.нинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйила бошланди. Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. «Соҳибқирон А. Т. шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлиги»га айланди (И. Каримов). Унинг номи Ўзбекистонда абадийлаштирил-

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур ва унинг авлодлари



ди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шох кўчалар, майдонлар, жамоа хўжаликлари, мактаблар, кинотеатрлар ва б. унинг номи б-н аталди. Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларнинг марказий майдонларида А. Т.га ҳайкал ўрнатилди, Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар даври музейи барпо этилди (1996), «Амир Темур» ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида ҳазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). А. Т. ҳақида икки қисмдан иборат бадиий фильм, спектакллар ва шеърӣ ҳамда насрий асарлар яратилди.

Манбалар ва ад.: Темур тузуклари, форсчадан Алихон Соғунӣ ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси, Т., 1991; Ибн Арабшоҳ, Ажонб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Т., 1992; Низомиддин Шомӣ, Зафарнома, Т., 1996; Шарафуддин Али

Йаздий, Зафарнома, Т., 1997; Муҳаммадҷонов А., Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк), Т., 1994; Аҳмедов Б., Соҳибқирон Темур (Ҳаёти ва ижтимоӣ-сиёсий фаолияти), Т., 1996; Темур ва Улуғбек даври тарихи, Т., 1996; ПуҒаченкова Г. А., Архитектурное наследие Темура, Т., 1996; Амир Темур жаҳон тарихида, Париж, 1996; Каримов И., Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин, Асарлар, 4-ж., Т., 1996; Каримов И., Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир; Азалий буюклик маскани; Соҳибқирон камолга етган юрт; Адолат ва қудрат тимсоли; Амир Темур — фахримиз, гуруримиз, Асарлар, 5-ж., Т., 1997.

Биобиблиография: Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Амир Темур в зеркале мировой истории, Париж, 1996; Алимов Р. А., Соҳибқирон Амир Темур (Методик тавсиянома), Т., 1995.

Бўрибой Аҳмедов,
Абдулаҳад Муҳаммадҷонов.

АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ — Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд эттирган боғлар. А.Т.б. хусусидаги дастлабки маълумотлар ўтмиш тарихчилари, шоирлари, сайёҳлари асарларида учрайди. Шунингдек, А.Т. б. ўрта

асрлар рассомлари миниатюраларида ҳам тасвирланган.


А.Т.б. тузилишига кўра 2 турга бўлинган: 1) чорбоғлар — геометрик (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак) шаклда бўлиб, ҳар томони тахм. 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд паҳса деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган; 2) тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар. Бундай боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой, кўшк ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

А.Т.б. дан энг машҳурлари қуйидагилар:

Боғи Баланд. Амир Темур Самарқанднинг шим.даги Чўпонота мақбараси яқинида набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Эрон, Озарбайжон ва б. мамлакатлар боғчилик санъати усталари ҳамда меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боққа гўзал бир тароват бахш этиб турган.

Боғи Беҳишт. Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суоқли хотини Туман оға (Хайрунисо)га атаб қурдирган (1378). Ёзма манбаларда «Боғи Жаннат» номи б-н аталади. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, боғ ўртасидаги атрофи хандақ б-н муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали қирилган. Саройнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган.

Боғи Давлатобод. Амир Темурга Ҳиндистон юришидан қайтган куни (1399 й. 22 апр.) ҳадя қилинган. Археологик тадқиқотлар (И. А. Сухарёв, 1936 ва Ў. Алимов, 1967)га кўра, у Самарқанддан 13 км жан.да, Катта Ўзбекистон трактининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтгач, дам олган, тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Археологик қазिशлар натижасида боғнинг 1350×900 м майд.ни эгаллагани, атрофи баланд паҳса девор б-н ўралгани ва унда ариқлар, 4 ҳовуз (бири 62×28 м,



Тошкентдаги Амир Темур ҳайкали.

икитаси 25×25 м, яна бири 32×32 м) ҳамда сарой (пойдевори 70×70 м) бўлгани аниқланди. Сарой сунъий тепа (бал. 12 м) устига қурилган, атрофи хандақ (эни 20 м) б-н ўралган. Унга 2 та кўтарма кўприк орқали кирилган.

Боғи Дилкушо (Кўнгил очувчи боғ). Амир Темур хотинларидан бири — Тўқалхоним шарафига қурдирган (1397). Самарқанддан 5 км шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қад. Ҳиндувон қишлоғи ўрнида) жойлашган. Ҳар тарафи 900 м узунликдаги баланд пахса девор б-н ўралган, 4 дарвозаси, марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган

урушлардан лавҳалар чизиб қўйилган. Амир Темур Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган. Бу боғ ўрнида ҳозир Дилкушо қишлоғи жойлашган.

Боғи Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси). Амир Темур Самарқанддан 7 фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган (1398). Унда сарой ва қалъа бўлган. «Зафарнома»да ёзилишича, бу боғнинг ҳудуди бениҳоят катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан.

Боғи Майдон. Амир Темур Самарқанднинг шим.да, Чўпонота тепалиги этагида қурдирган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшк) ва қимматбаҳо тош-

лардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган. Бобур шу ҳақда бундай деб ёзади: «Бу боғнинг ўртасида (Улуғбек) бир олий иморат қилибдур. Чил(қирқ) сутун дەرлар, ду (икки) ошёна (қават), сутунлари тамоми тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар қўпорибтурларким, юқориға чиқар йўллар бу тўрт буржиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хиёра (бурама, кўпқиррали) қилибтурлар. Юқориғи ошёнанинг тўрт тарафи айвондир, сутунлари тошдан. Ўртаси чордора уйдир. Иморат курсисини тамом тошдан фарш қилибдирлар». Бу боғ ўрни ҳозир ҳам Боғи Майдон деб аталади.

Боғи Нав (Янги боғ). Амир Темур Самарқанднинг жан.да қурдирган (1404). Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи баланд пахса девор б-н ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида ҳовуз бўлган.

Боғи Чинор. Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Конигилнинг жан.-ғарб тарафида, ҳоз. «Қўш тамғалик» тепалиги ўрнида) барпо қилдирган (1404). Унда чинорлар кўп бўлган. Марказида хочсимон тархли сарой жойлашган.

Боғи Шамол. Амир Темур 1397 й. набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Самарқанднинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган. Деворларига мармар қопланиб, саҳни қора ёғоч ва фил суягидан ишланган. Бу боғ жойлашган ҳудуд ва у ердаги ариқ ҳозир ҳам «Боғи Шамол» деб аталади.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи, Боғи Бўлду, Боғи Зоғон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана кўруғи, Чумчуқлик, Ғозхона ва б. шулар жумласидандир. Амир Темурнинг боғ қуриш анъанасини темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Бобур ва б. ҳам давом эттиришган.

Ўтқир Алимов.


АМИР ТЕМУР ЖОМЕ МАСЖИДИ — Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг етук намунаси. Самарқанддаги меъморий иншоот (1399—1404). Амир Темур Ҳиндистонни забт этиш шарафига қурдирган. Халқ орасида Амир Темурнинг хотини Бибихоним номи б-н машҳур (қ. *Бибихоним жоме масжиди*).

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ

АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ, Гўри Амир — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14-а. охири — 1405 й.). Халқ орасида Гўри Амир ёки Гўри Мир (Мир Саййид Барака) деб номланиб келинади. Мақбарага темурийлар сулоласига мансуб кишилар (*Амир Тему*р, унинг пири Мир Саййид Барака, ўғиллари *Умаршайх*, *Мироншоҳ* ва *Шоҳрух*, набиралари *Муҳаммад Султон*, *Улуғбек* ва б.) дафн этилган. Бобурнинг таъкидлашича, дастлаб Темурнинг набираси Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанд қалъаси жан.да Тошқўрғон — чақарда мадраса қурдирган. Муҳаммад Султон ҳалок бўлгач (1403), Амир Темурунинг хотирасига мақбара қуриш ҳақида фармон берди. Мақбара мадраса ҳовлисининг тўрига бунёд этилган.

Бизгача, асосан, пештоқли дарвозаси бор ҳовли ва мақбара биноси сақланган. Археологик тадқиқотлар натижасида мақбара ҳовлисининг икки ёнидан Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилган. Мадраса ва хонақоҳ чорси ҳовлининг шарқий ва ғарбий томонларини эгаллаган. Ҳовлининг жан.да гумбазли мақбара жойлашган. Мақбарага жан.дан, Улуғбек қурдирган далон (1424) орқали кирилади. Мақбаранинг чортоқ тарҳли зиёратхонаси баланд тоқ — равоқли, тепаси ёзув ҳошиялари ва ички гумбаз б-н қопланган. Ташқи гумбаз 64 қобиргали, баланд пойгумбаз (диаметри — 15 м, бал. 12,5 м)га ўрнатилган.

Зиёратхона ўртасидаги мрамор панжара б-н ўралган мурабба ҳазира саҳнига қатор қабртошлар қўйилган. Юқориси (тўри)да Амир Темурнинг ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган ва унинг юксак ҳурматини қозонган Мир Саййид Барака сағанаси жойлашган. Саййид Барака қабрининг оёқ томонига Амир Темурнинг ўзи дафн қилинган. Унинг уч томонида Муҳаммад Султон, Мироншоҳ, Умаршайх қабрлари бор. Кейинчалик бу ерга Темурнинг набиралари ва эвараларининг қабр тошлари қатъий тартибда жойлаштирилган. Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабртошини Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакори ёзувларда битилган. Ҳамма сағаналар Улуғбек томонидан яхлит ўйма мрамор панжара б-н ўралган. Зиёратхонанинг шарқий қисмидаги равоқдан зина орқали остки қаватидаги гўрхонага тушилади. Гўрхона саккиз қиррали. Ундаги сағаналар юқори қаватда қандай жойлашган бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда



Амир Темуру мақбараси.

жойлашган. Зиёратхонадаги қабртошларнинг ҳар бири юксак санъат асаридир. Зиёратхона серҳашам безакларга бой. Бўртма безак кундаллар заминига ложувард ранг гуллар ишланган. Изораси яшил тошдан гириҳ шаклида терилган. Тўртта чуқур равоқлардаги дарчаларга ўша вақтда рангли ойна ўрнатилган. Олтин ва кумуш қандиллардаги шамлар ёнганда зиёратгоҳ ичкараси улуғвор ва афсонавий тус олган. Ташқариси сиркор гиштчалар б-н безатилган. Гумбаз ва унинг пойидаги безаклар, турли арабий ёзувлар алоҳида кўзга ташланади. Мақбара дарчаларида ёғочдан ишланган нафис панжаралар, эшикларидан эса мураккаб кўш заминли ўймакор безаклар бўлган. Мақбаранинг ғарбий томонига баланд пештоқ ёндашган. Тахминларга кўра бу пештоқ қолдиқлари 17-а.га мансуб.

Мақбаранинг мутаносиблик нисбати, нақшлари, турли безаклари катта маҳорат б-н бажарилган. Ташқи пештоқ дарвозасининг тепасида меъмор — уста «Муҳаммад бинни Маҳмуд ал-банно Исфохоний» номи сақланган. Кейинчалик мақбара бир неча бор таъмирланди, гумбаз қайта тикланиб, хонақоҳ ва мадраса қолдиқлари кавлаб топилди, ички ва ташқи безаклар таъмир этилди. 1941 й.да мусулмон одатига зид равишда Амир Темур ва Улуғбек қабрлари очиб текширилиб, улар руҳлари безовта этилди. Меъморий мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов

ташаббуси б-н 1991—96 й.ларда таъмир ишлари олиб борилди.


«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ — ЎзРнинг давлат мукофотларидан бири. Бу орден б-н давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун ЎзР фуқаролари мукофотландилар. Ушбу орден б-н давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ЎзР фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. 1996 й. 26 апр.да таъсис этилган (шу орденни таъсис этиш ҳақидаги Қонун б-н ЎзРнинг 1995 й. 22 дек.да қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига тегишли тузатишлар киритилган). Орден тилла қопланган 925 даражали кумуш қотишмадан тайёрланиб, саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлиб, *Амир Темур*нинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Муаллифи — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов. Ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи сифатида — Самарқанд ш., темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликла-



«Амир Темур» ордени

рини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболлини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб — Шаҳрисабз ш. ана шу орден б-н тақдирланди (1996 й. 18 окт.) Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлигини ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасида буюк хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати б-н Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримов шу орден б-н мукофотланди (1997 й. 26 декабрь).

АМИР ТЕМУР ФОРИ — Сурхондарё вилояти Бойсун тоғидаги ибтидоий одамлар манзилгоҳи бўлган ғор. Бу ғорда 1939 й.да А. П. *Окладников* археологик қазишлар олиб борган. Унда учта қатлам бўлиб, юқоридаги иккитаси янги тош даврига, энг қуйиси *мустье* даврига тааллуқлидир. Бу қатламда ўчоқ ва баъзи жойларида писта кўмирнинг қолдиқлари топилган. А.Т.ғ.дан *Тешиктош* ғоридагига ўхшаш кўпол ишланган йи-



рик қирғичлар, пластиналар, лаппаксимон *нуклеус*лар ва улардан учириб олинган тош парчалари чиққан. Шу б-н бирга ғордан хилма-хил ҳайвон ва қушларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилди. А.Т.ғ.да ибтидоий одамлар жамоа-жамоа бўлиб яшаган, овчилик ва темирчилик б-н шуғулланган.

АМИР ТўРА МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1870). *Ичан қалъани*нинг шим. қисмида жойлашган. Муҳаммад Раҳимхон II нинг акаси Амир Тўра қурдирган. Чортоқ тарҳли (52,6×36,7 м), пештоғи маҳобатли, икки ён томонида қўшқаватли уч жуфт ҳужра бор. Тўрт бурчагидаги гулдастали парчин белбоғли, мавж усулида безатилган. Масжид ва дархона (5×5 м)нинг тузилиши бир хил. Масжид жан.даги айвон гумбаз томли, гумбаз ости тоқилари олти қиррали, унга уч қатор муқарнас ишланган. Ҳовли (30,7×19,35 м)нинг икки ён томонида бир қаватли, олди равоқли кўндаланг ҳужралар ишланган. Ҳовли бурчакларидаги ҳужраларга даҳлиздан кирилади. Ҳужралар балхи гумбазли, дарчаларига панжаралар ўрнатилган. Уч гумбазли миёнсаройнинг икки ён томонида дархона бор. А.Т.м. 1970 й.да таъмирланган, бош тарзи олдида савдо растаси жойлаштирилган.

АМИР ул-УМАРО (араб. — амирлар амири, олий амир) — ўрта асрларда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган энг юқори ҳарбий унвонли амалдор. У олий бош кўмондон ҳисобланиб, бутун ҳарбий ишлар унинг қўлида бўлган. Бундан ташқари, Олтин Ўрда ва Чигатой улусида ҳукуматнинг барча бош ижро идоралари (девоңлар) ҳам А.у. қўлида бўлган. Лекин Амир Темур ва темурийлар замонида А.у. фақат бош кўмондонлик, кўп ҳолларда подшоҳ ҳудайчиси (адъютанти) вазифасини ўтаган. Давлат ижро идоралари эса *вазири аъзам* қўлида бўлган. А.у.лик лавозими Қўқон хонлигида *амири лашкар*, *беклар беги*,

Туркия ва Озарбайжонда 17—19-а.ларда беклар беги деб аталган. Хива хонлари архивидан маълум бўлишича, саройда унга хизмат қилувчи махсус ходимлар, чунончи 35 фаррош, 80 хизматкор, 4 сайис ва 6 дарвозабон бўлган. Сарой лаво-

Амир Тўра мадрасаси.

зимлари ичида А.у. Хива хонлигида *нақибдан* кейин келган ва унинг маоши 500 тиллани ташкил қилган. Бундан ташқари бир неча вилоятнинг даромадлари А.у. ихтиёрига берилган.

АМИР ХИСРАВ ДЕҲЛАВИЙ — қ. *Хисрав Деҳлавий*.

АМИР ҲУСАЙН — қ. *Хусайн ибн Мусаллаб*.

АМИРЗОДА МАҚБАРАСИ — Самарқанддаги Шоҳизинда мақбараларидан бири (14-а.). Мақбара, дафн этилган шахснинг исми маълум бўлмаса-да, шартли равишда А. мақбараси деб аталади. Мақбара пештоқидаги хошиялар орасидаги ёзувда Амирзоданинг ўлган йилигина (1386) кўрсатилган. Мақбаранинг асоси тўғри тўртбурчак тарҳли (10×9,2 м). Пойгумбаз саккиз қиррали, гумбази қобирғали. Пештоқни мураккаб ислимий ва гириҳ нақшларидан иборат сиркор парчин ва араб ёзувлари безайди. Мақбаранинг ичи ўзига хос ҳашаматли ва шинам. Девоңлари ганч б-н сувалган, тоқча, гумбаз остидаги равоқчалар беағи содда.

АМИРИ — *қовун*нинг ўртапишар нави. Шакли чўзиқ (25—40 см), оғирлиги 3—4 кг. Сирти тўрсиз (баъзи А.ларнинг фақат банд томонида бир оз тўри бўлади), усти йўл-йўл, оч ёки тўқ яшил. Эти 4—5 см қалинликда, кўкимтир ёки қизғиш, куврак, жуда ширин, таркибида 12% гача қанд бор. Уруғи йирик, чўзиқ, оч сариқ. Уруғидан чиққанидан кейин 80—90 кунда ҳосили пишади. Асосан Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистонда экилади. Ҳосилдорлиги 300—350 ц/га. Узоққа юборишга ва сақлашга чидамсиз.



Амири қовун нави.

АМИРИ ЛАШКАР — темурийлар, шайбонийлар ҳамда Туркистон хонликларида кенг тарқалган энг юқори ҳарбий унвон, бош кўмондон. Мас., Қўқон хонлигида А.л. лавозими йирик ҳарбий ҳаракатлар даврида мавжуд бўлиб, унга одатда мингбоши, оталиқ ёхуд шаҳзодалар белгиланган (қ. *Амир ул-умаро*).

АМИРИ ШИКОР, ов амира — Туркистон хонликларида сарой мансаби. Маълумки, ов ҳукмдорлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. А. ш. хон ва султон-

Milliy Türkistan Birligi Qomitesining reisi

Veli Kajum-Khan Ataning

bevaqt vefat etkenini merhumning ailesi chuqur taziye bilen elan etedi.

Merhum ata 15. 7. 1904 - inchi yilda Tashkent shahride tugilib,
13. 8. 1993 - de Dusseldorf shahride vefat etgen.

U butun umrini o'zining vatani Turkistanning azadligi uchun bag'islagan.

Eva Kajum-Khan / qiz ismi Schulze /
Martin ve Bibi-Sabira Sillem
/ qiz ismi Kajum-Khan /

D-40239 Dusseldorf, Brehmstraße 80
D-20249 Hamburg, Eppendorfer Landstraße 8

Komish merasimi 20. 8. 1993 Cuma kuni saat 11.30 - da Munchin Waldfriedhof,
Fürstenrieder Straße 288, qabristanining Alter Teil ibadetxaneside o'tkeziledi.

TDV İSAM
Kütüphanesi Arşivi
No *TİK/129,2*

In tiefer Trauer und Dankbarkeit nehmen wir Abschied von

Veli Kajum-Khan

Präsident des National Turkestanischen Einheitskomitees

geboren 15. 7. 1904 in Taschkent
gestorben 13. 8. 1993 in Düsseldorf

Sein ganzes Leben war der nationalen Arbeit um die Befreiung
seiner Heimat Turkestan gewidmet.

Eva Kajum-Khan, geb. Schulze
Martin und Bibi-Sabira Sillem,
geb. Kajum-Khan

D-40239 Dusseldorf, Brehmstraße 80
D-20249 Hamburg, Eppendorfer Landstraße 8

Die Beerdigung findet Freitag, den 20. August 1993, um 11:30 Uhr,
von der Kapelle des Waldfriedhofes München, Alter Teil, Fürstenrieder
